

ДИЁРЖОН АБДУЛЛАЕВ
АБДУЛАЗИЗБЕК ЎТКИРОВ

ЯШНАГАЙ ТО АБАД ИЛМУ ФАН ИЖОД

(АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР)

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

“ЖАҲОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

**ДИЁРЖОН АБДУЛЛАЕВ
АБДУЛАЗИЗБЕК ЎТКИРОВ**

ЯШНАГАЙ ТО АБАД ИЛМУ ФАН ИЖОД

(АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР)

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

**ТОШКЕНТ
«ZUXRA BARAKA BIZNES» MChJ
2021**

Абдуллаев Диёржон, Ўткиров Абдулазизбек

Яшнагай то абад илму фан ижод (Абдулла Авлоний ҳаёти ва илмий фаолиятига чизгилар). Услубий қўлланма. – Тошкент: «ZUXRA BARAKA BIZNES» MChJ, 2021й 72 бет.

Мазкур услубий қўлланмада Ўзбекистон тарихининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида кечгансиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнларда ташаббускорлигини кўрсатган маърифатпарвар, жаҳид намоёндаси Абдулла Авлонийнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти ёритилган. Шунингдек, қўлланмада Абдулла Авлонийнинг хайрия ва ҳомийлик соҳасидаги ташаббускорлиги, илмий қараишлари ва бу борадаги фикрлари, Абдулла Авлоний ҳақидаги хотиралар ҳамда жаҳид маърифатпарвари ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўқувчи ёшларга методик тавсиялар акс этган. Бунда манбавий маълумотлардан кенг тарзда фойдаланилган.

Мазкур қўлланма 5110600 –Тарих ва 5111300 – Ўзбек тили ва адабиёти таълим йўналиши талабалари учун мўлжалланган бўлиб, “Ўзбекистон тарихи”, “Ўзбек давлатчилиги тарихи”, “Марказий Осиё халқлари тарихи”, “Маданиятишунослик” фанларидан қўшимча услубий методик қўлланма сифатида фойдаланишлари мумкин.

Муаллифлар:

Абдуллаев Д.Н.	Низомий номидаги ТДПУ, “Жаҳон тарихи” кафедраси доцент в.б., тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Ўткиров А.Ф.	Низомий номидаги ТДПУ Тарих факультети талабаси

Такризчилар:

Тайронов Ё.Р.	Низомий номидаги ТДПУ, “Жаҳон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди
Мирзаев Ғ.Р.	Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Низомий номидаги ТДПУ Ўқув-услубий кенгаши йиғилишининг 2021 йил 19 августдаги 1/4.1.1 - рақамли қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Абдуллаев Д., 2021.

© «ZUXRA BARAKA BIZNES» MChJ, 2021.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	5
I. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ҲАЁТ ЙЎЛИ.....	8
II. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ.....	21
III. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСКОРЛИГИ.....	43
IV. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА ФИКРЛАРИ.....	49
V. АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАР.....	51
VI. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРИ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР.....	53

АБДУЛЛА АВЛОНИЙ

(1878–1934)



КИРИШ

“Буюк тарихда ҳеч нарса изсиз кетмайди. У халқларнинг қонида, тарихий хотирасида сақланади ва амалий ишларда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам у қудратлидур. Тарихий меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва авлодлардан авлодларга қолдириш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев

2017 йилнинг 3 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатимизнинг ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказди. Ушбу учрашувда маданият ва санъат соҳасида юзага келган кўплаб муаммолар ўртага ташланди, айтилган пайтдаги ижодий жараёнлар муҳокама қилинди. Мазкур йиғилишда маданият, оммавий ахборот воситалари адабиёт ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш мақсадида амалга ошириладиган кенг миқёсли ишлар хусусида сўз борди, ёш истеъдодлар тарбияси, маданиятимиз ва адабиётимизни ривожлантириш мақсадида янги ғоя, ташаббус ва таклифлар билдирилди. Айниқса, юртбошимизнинг “Биз учун ҳеч қачон кун тартибидан тушмайдиган яна бир ўта муҳим масала борки, унга алоҳида тўхталиб ўтишни зарур деб биламан. У ҳам бўлса, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз, фарзандларимиз тарбияси билан боғлиқдир. Буюк бобомиз Абдулла Авлоний айтганидек, бу масала биз учун ҳақиқатан ҳам ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир ва ўз долзарблиги ва аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган, таъбир жоиз бўлса, масалаларнинг масаласидир”¹ деб айтган фикрлари барча илм-аҳли зиёлиларининг интилиш ва ижодларини тўлқинлантириб юборди.

Шу маънода, бугунги кунда Абдулла Авлоний ҳаёт йўли, тарихий даврдаги қаҳрамонликлари, ёзган асарларининг ўзбек ва жаҳон адабиётида тутган ўрни ва ўзига хос хусусиятлари, муаллифларнинг услубий қўлланмани

¹ Mirziyoyev Sh.M. Adabiyot va san'at, madaniyatni rivojlantirish - xalqimiz ma'naviy olamini yuksaltirishning mustahkam poydevoridir. - Sharq yulduzi jurnali elektron sayti // <http://jahonadabiyoti.uz/2017/12/07>

яратишдаги ҳаракатлари, унинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи, миллий кадриятлари билан чамбарчас боғланганлиги, адибнинг бой педагогик мероси миллий мактаб, миллий педагогикани ривожлантиришда қимматбаҳо манба бўлиб хизмат қилганини ўрганиб чиқиш давр талабига айланмоқда.

Ўзбек халқи тарихининг XIX аср охири - XX аср бошларидаги даври тарихан қисқа вақтни ташкил этган бўлса-да, халқнинг тарихий тақдирида муҳим аҳамиятга молик бўлган давр сифатида изоҳланади. Жаҳон цивилизациясининг қадимги ўчоқларидан бири бўлган Марказий Осиё ҳудуди жумладан, юртимиз ҳудудлари XX асрнинг бошларига келиб, Россия империяси томонидан босиб олинган эди. Ушбу суронли тарихий даврларда Туркистон ўлкасида Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил топди. Ўлканинг илғор зиёлилари Россия империяси истибдодидан қутулиш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий тараққиёт сари йўл очиш, халққа зиё тарқатиш мақсадида маърифатпарварлик ҳаракатига асос солдилар. Бу ҳаракат билан Туркистонда янги уйғониш даври бошланди. Бу эса даврнинг ижобий, ютуғли томони эди.

Шу даврда майдонга келган жаҳид маърифатпарварлик ҳаракати мактаб ва маориф, матбуот, адабиёт ва санъат соҳаларида ислохотчилик ишларини амалга оширибгина қолмай, халқнинг маданий, маърифий ва руҳий ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди ёки шу йўлда эътиборга молик катта ишларни бажаргани барчамизга маълум.

Бу борада танлаган йули ўзларига қандай кулфатлар келтиришини билган, аммо бу йўлда ўз ғоясига собит турган ва миллат тақдирини ўз фожиали тақдиридан устун кўрган маърифатпарвар жаҳидлар, илм-аҳли зиёлиларининг ҳаёт йўли барчамизга ибрат мактабини ўтайди. Ўша кезларда жаҳид намоёндалари Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Файзулла Хўжаев, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодрий, Мунаввар Қорива бошқа маърифатпарвар жаҳидлар маънавий уйғониш ва мустақилликни қўлга киритиш энг олий мақсад эканлигини англаб етган эдилар.

Бугунги кунда жаид маърифатпарварларининг кўрсатган жонбозликлари ва қахрамонликлари эътироф этилиб, уларнинг ҳаёти ва фаолияти янгича қараш ва ёндашувлар асосида ўрганилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан Ватанимиз истиқлоли, ҳалқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, обод ва фаровон ҳаётни таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга бекиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхонов “Буюк хизматлари учун” ордени билан тақдирланганлигини таъкидлаш зарур². Шу муносабат билан ушбу мукофотга арзигулик шахсларнинг ҳаёти, ижоди, меҳнат фаолияти ва бошқа қахрамонликларини ўрганиш, уларни янгиланаётган Ўзбекистон муҳитида тадқиқ этиш муҳим долзарблик касб этади.

Мана шундай тадқиқотларга асос бўлувчи, барчамиз учун намуна бўлган, XIX аср охири XX аср бошидаги ўзбек миллий маданиятининг машҳур вакиллари билан бири, миллат виждони, атоқли маърифатпарвар шоир, драматург, журналист, олим, давлат ва жамоат арбоби, меценат Абдулла Авлоний эди.

Айнан, мазкур услубий қўлланмадаватанимиз тарихининг XIX аср иккинчи ярми ва XX аср бошларида кечган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаташаббус кўрсатган маърифатпарвар, жаид намоёндаси Абдулла Авлонийнинг ҳаёт йўли ва илмий фаолияти шунингдек, унинг хайрия ва ҳомийлик соҳасидаги ташаббускорлиги, илмий қарашлари ва бу борадаги фикрлари, Абдулла Авлоний ҳақидаги хотиралар ҳамда жаид маърифатпарвари ҳаёт йўли ва фаолиятини ўрганиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўқувчи ёшларга методик тавсиялар баёни ёритилган.

²Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг О'қитувчи ва мураббийлар кунига бағ'ишланган тантанали маросимдаги нутқи // 2020 йил 30 сентябр, <https://president.uz/oz/lists/view/3864>

I. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ХАЁТ ЙЎЛИ

Абдулла Авлоний 1878 йил 12 июлда Тошкентнинг эски шаҳар Шайхонтоҳур (Шайхантавур) даҳаси Мерганча маҳалласида оддийхол бир оилада туғилган. Авлонийнинг отасининг исми Миравлон, онасининг исми Фотима бўлиб, отаси тўқувчилик (бўзчилик) касби билан Ярманка бозорида ёймачилик қилиб бўз ва чит билан савдогарчилик ишлари билан машғул бўлган³. Абдулла Авлоний ўз таржимаи ҳолида ёзишича: “1885 йилдан бошланғич мактабда ўқидим. Ўқчи маҳаллада Ақромхон домладан хат-саводим чиқди. 1890 йилда мактабни битириб, маҳалладаги мадрасада дарс ўқий бошладим. Ёшим 13га етгач, йўқсуллик менга таъсир қилди. Ёз кунларида мардикорлик қилиб, ота-онамга биров ёрдамда бўлиб, қиш кунларида ўқир эдим. Сўнгра, Ўқчи маҳалладаги домламизнинг кам ҳавсалалигидан, ўқувда давомсизлигидан Ўқчи мадрасасини тарк қилиб, 14 ёшимда Шайхонтоҳурдаги Абдулмаликбой даҳасига келиб, Мулло Умар Охунддан дарс ўқий бошладим. Бу чокларда ҳам қиш кунларида ўқиб, ёз кунларида мардикор ишламоққа мажбур эдим”⁴. Аммо тирикчиликнинг оғирлашуви ўқишга имкон бермайди. “1891 йилдан бошлаб, фақат қиш кунларида ўқуб, бошқа фаслларда мардикор ишладим” — деб ёзади, Авлоний. Кўп ўтмай, бу ҳам барҳам топди. У бутунлай ишга шўнғиб кетди. Ўзи айтганидек, “бинокор”ликни ўрганди, “ғишт қуйиш, сувоқчилик, печкачилик, дурадгорлик ишлари” билан машғул бўлди. Адабиётга ҳавас унда шу йиллари уйғонди. 1900 йилда Авлоний тошкентлик савдогар бир хонадоннинг Саломатхон деган қизига уйланади. Шу йили отаси вафот этади. Ҳозирги Миробод маҳалласи ўрнида Мирнеъматбойнинг боғ ҳовлиси бўлган. Тошкент босиб олиниб, Туркистон генерал-губернаторлигининг марказига айлантирилгач, Миробод, шаҳарнинг янги – “рус” қисмига қўшиб олинади ва турли иморатлар, корхоналар қуриш учун бўлиб берилади. Сапёрний, Госпиталний кўчалари пайдо бўлади. Миравлонбойнинг икки ўғли — Абдулла ва Мирсиддиқхам шу ерда ҳовли-жой қиладилар. Сапёрлар кўчасида 70, 72, 74-

³ Абдулла Авлоний Танланган асарлар: 2-жилд. 2-нашри – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – Б. 287.

⁴ Абдулла Авлоний Танланган асарлар: 2-жилд. 2-нашри – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – Б. 287-288.

уйлар қад кўтаради. Абдулла Авлонийнинг ўз кўли билан қурилган жуда кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлган 74-уй, кейинги йилларда шаҳарни қайта қуриш даврида бузилиб кетди. Авлоний мадрасани тўлиқ тугатмасдан тарк этишга мажбур бўлди, лекин маориф ишларини ўзлаштиришда давом этди. Шу вақтларда шоир меҳнат ичида улғайганлиги боис бойларга ва муллаларга қарши шеърлар ёза бошлади. У 1894 йилдан бошлаб шеърлар ёзишга киришди бироқ, ёшлик даврида ёзган шеърлари бизгача сақланмаган. Турли газеталар, ўша даврда Россия империясининг турли шаҳарларида чиққан матбуот - газета ва журналлар билан танишиб, маълумоти, саводини оширди. Ўша даврларда ерли халқлар орасида эскилик-янгилик (жадид-қадим) атамаси шаклланган пайтда Авлоний жадидчилар сафига қўшилди ва 1904 йилдан жадидлар жамоасида ишлашни бошлади. У Туркистонда биринчилардан бўлиб мактабга география, кимё, хандаса, физика фанлари киритилишига таъсир кўрсатди, таълимни реал турмуш билан боғлашга интилди, бир дарс билан бошқаси ўртасида муайян танаффусни, бир синфдан иккинчисига ўтишдаги имтиҳонни жорий этди, таълим тизимининг дунёвий йўналишини кучайтиришга алоҳида эътибор берди. Ислом асослари билан бир қаторда арифметика, тарих, география ва табиий тарих ҳам ўргатилди. Синфда ўқитувчилар ўз ўқувчиларини Шарқ ва Ғарб ютуқлари билан таништиришга ҳаракат қилишди ва ҳокимият таълим тизимини ислоҳ қилишга чақирди. 1910 йилда Тошкентда 24 та янги типдаги мактаб бўлиб, уларда қарийб 1,740 нафар ўқувчи таҳсил олган. 1917 йилга келиб мактаблар сони 100 тага кўпайган эди. Жадидчилик ҳаракати раҳбарлари миллий кадриятлар-етук олимлар, етакчи мутахассислар, маданият арбоблари мамлакатни озод, фаровон ва обод қилишларини орзу қилганлар. Абдулла Авлоний, шунингдек, бу ҳаракатнинг бошқа вакиллари ҳам танланган мақсад йўлида яшаб ижод қилдилар.

Абдулла Авлоний халқ орасида илғор фикрларни тарқатишда, илм ва маърифатни ташвиқ қилишда газета, журналларнинг ўрни ғоят катта эканлигини яхши билар эди. 1906 йилда “Тараққий”, “Хуршид” газеталари бир неча йиллик фаолиятини тўхтатгач, 1907 йилда Авлоний ташаббуси билан

Сапёрний кўчасида “Шухрат” газетаси чиқа бошлади. Таҳририят ишларида унга қозонлик татар Рафиқ Собиров ёрдам бериб турди. Газетанинг йўли аён бўлиши билан дўстидан душмани кўпайди. Натижада 10-сони чиқиб бекилди. Сўнгги 14 феврал 10-сонида “Данўсчи намима” (чакма-чақарлик) сарлавҳаси билан идоранинг бир хабари босилган. Унда шундай гаплар бор: “Эшитилмиш хабарларга қарағонда ўз мусулмонларимиздан баъзи “анўсчи” наммомлар пайдо бўлиб, газетамиздан “началство”га “данўс” қилмак фикрида елка қилғон эмишлар.... Газетамизнинг маслаки миллий, бетараф сиёсий ўлуб, “умереннопрогрессивная политическая” газетадур. Ёзғон мақолаларимиз ҳам ушбу маслакимиз ўлғон эътидол ва ҳаққоният доирасида ўлуб, нозир ва сензурлар тарафидан ҳақлик ўзра таржима қилинуб, тегишли маҳкамаларда кўрилуб турилибдур. Шуи сабабли “началство”нинг сизни(нг) “данўс”ларга ҳеч бир эҳтиёжи йўқдур”. Газетанинг ёпилишига қараганда, бу “данўс”ларга “эҳтиёж” бўлган кўринади. Ва, эҳтимолки, улар газетанинг тақдирини ҳал қилганлар. Авлоний газетанинг ёпилишини ўз таржимаи ҳолида “яширин ташкилотлар” билан алоқага, “Рафиқ Собиров” деганнинг хиёнатига боғлайди. Хуллас, газета ёпилди. Редакция асбоб-ашёлари, қоғозлар ва материаллар ҳаммаси мусодара қилинди⁵.



⁵ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 1998., –Б. 8-9.

Авлоний бу билан тўхтаб қолмади, яъни 1908 йил шериги, ёзувчи Аҳмаджон Бектемиров номига “Осиё” газетасига рухсат олиб, ўз уйига газета идорасини ўрнатиб яна ишлашда давом этди. Афсуски, газета фаолияти 6 та сонидан сўнг ҳукумат томонидан тўxtатилди⁶. Қисқа фурсатда бу вақтли нашрлар эл орасида доврўғ қозонди. Бундан ташвишга тушган чор амалдорлари ушбу газеталарни ёптириб қўяди. Газетанинг биринчи сонидан матбуотнинг ўрни, газетанинг вазифаси ҳақида фикр юритиб, “Матбуот ҳар инсонга ўз ҳолини кўрсатувчи, аҳвол оламдан хабар берувчи, қоронғи кунларни ёритувчи, халқ орасида илм, иттифоқ, ҳиммат 13 ғоялари”ни ёювчидир деб, балиқнинг сувсиз яшамоғи мумкин бўлмагани каби инсоннинг ҳам илмсиз яшамоғи мумкин эмаслигини уқтиради⁷.

Вақт ўтиб Авлоний адвокат Убайдулла Хўжаев билан ҳамкорлик қилади ва “Садойи Туркистон” газетасини ишга тушуради. Убайдулла Хўжаев 1914-1915 йиллар Авлоний билан ушбу газетада муҳаррирлик қилган. Афсуски, газета фаолияти 66 та сонидан сўнг моддий қийинчиликлардан сўнг ёпилди⁸. Қисқа фурсатда бу вақтли нашрлар эл орасида доврўғ қозонди. Кейинчалик, Авлоний “Турон”, “Иштирокиюн” газеталарида, “Қасабачилик ҳаракати” журналида бош муҳаррир бўлиб ишлайди ва шу баробарида ўзбек матбуотининг асосчиларидан бири сифатида халққа танилади. Газеталар, айниқса, эскилик тарафдорлари томонидан кескин қаршиликка учраган. Масалан, Абдулла Авлоний асарига ёзилган сўз бошида ушбу жумлаларни уқиймиз: “Авлоний 1917 йил февраль воқеаларидан кейин “Яшасин халқ жумҳурияти!” шиори остида “Турон” газетасини чиқарди. Газета ўз маслак-мақсадини “Мусулмонлар орасида куп йиллардан бери давом ўлди умумға зўрлик, бидъат ва одатларни битирмак. Келажакда буладурғон жумҳурий идорага халқди тайёрламок;”-. деб эълон қилди. Бирок, у жуда қийинчиликлар

⁶Ўша йилларда Тошкентда 9 та “усули жадид” мактабидан 8 тасига ҳукумат томонидан рухсат берилиб, Авлоний рухсат олиши учун қийинчилик, азоб-уқубатлар билан 3 йил кетган. Абдулла Авлоний Танланган асарлар: 2-жилд. 2-нашри – Тошкент: “Маънавият”, 2006. – Б. 287.

⁷ Раҳимова Н. “Абдулла Авлонийнинг педагогик рисоаларини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш”. Бухоро. 2019. –Б. 12-13.

⁸Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 1998., –Б. 9.

билан дунё юзини кўрди... Мухаррирни вазифасидан четлатадилар, эскипараст уламолар матбаа эгаларининг уйларига вакиллар юбориб, “агарки, сиз Авлоний газетасини матбаангизда боссангиз, ўлсангиз сизга жаноза ўқимасмиз”, деб кўрқитиб, газетани яккалаб қўядилар...”⁹. Авлоний ўз шеърларида ўлкадаги қолоқ турмуш тарзи, хурофот ва бидъат билан тўлган онг ва калбларга афсус билан қарайди ва бу кабоҳат, ҳамда жаҳолат ботқоғидан халқни олиб чиқиш, тараққиёт йулларини қидиради, шунда у бу ҳолатдан биргина нарса, у ҳам бўлса, мактаб ва маориф, илм ва ҳунар ўрганиш қутқаради, деган тўхтамга келади. Унинг “Афсус”, “Илм”, “Ҳасратлик ҳолларимиз”, “Миллат ҳолиндан бир яъс”, “Замон аҳволиндан”, “Истикболимиз учун бир жигар сўз”, “Мактаб” ва шу каби бир қатор шеърларида ана шу рух ўз ифодасини топган¹⁰.



Абдулла Авлоний фарзандлари. 1978 йил. Чапдан: Тошкент Давлат педагогика институтининг Ғарб ва рус адабиёти ўқитувчиси, доцентлик вазифасини бажарувчи Ҳанима Авлоний, Тошкент Политехника институти полимерлар кафедрасининг ўқитувчиси Кенжа Авлоний, инженер-ирригатор, фан кандидати Карима Авлоний ва шоирнинг невараси Тўйғун Зайниддинова.



1904 йили Абдулла Авлоний очган янги усулдаги мактабнинг рус тили муаллими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи Миржалил ота Каримов ҳозир шоир номи билан аталадиган 40-мактабда узоқ йиллар директорлик қилган.

Н. ВАСИЛЬКИН фотолари

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги педагогик фикрлар ривожига Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни тарбиялаш, унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди. Абдулла Авлоний ўзбек халқининг санъати ва адабиёти ҳамда миллий маданиятини, халқ таълими ишларини йўлга қўйишда катта хизматлар қилган адиб, жамоат

⁹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. — Т.: “Маънавият”, 2006. 16-бет.

¹⁰ Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: “Turon Iqbol”, 2010. - Б. 93.

арбоби ва истеъдодли педагогдир. Авлоний 1913 йилда “Турон” жамиятини очади.

Унинг вазифаси:

-Аҳоли ўртасида сахна ишларига қизиқиш уйғотиш;

-Халқ учун спектакллар қўйиб бериш ва улар орқали оммага маънавий озик бериш;

-Клуб, мусиқа курслари, кутубхона ва кироатхоналар очиш;

-Ўқувчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бошқалар.

У ўзбек зиёлилари ичида биринчилардан бўлиб, ўзбек халқ театрини профессионал театрга айлантириш учун 1913 йилда “Турон” жамияти қошида “Турон” номли биринчи театр труппасини ташкил қилади. Унинг ташкилотчиси ҳам, ғоявий-бадий раҳбари ҳам Авлоний эди. Труппа “Заҳарли ҳаёт” (Ҳамза), “Бахтсиз куёв” (Абдулла Қодирий) каби XX аср бошлари ўзбек драматургиясининг энг яхши намуналарини сахналаштирган. Театр озарбайжон ва татар драматурглари асарлари “Бадбахт келин”, “Хўр-хўр”, “Жаҳолат”, “Ўликлар”, “Жой ижарага олган киши”, “Ман ўлмишам”, “Лайли ва Мажнун”, “Асли ва Қарам”, “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оила”ларни ўзбекчага таржима қилиб сахнага қўйган. Абдулла Авлонийнинг ўзи Файзибой (“Бахтсиз куёв”), Алибой (“Тўй”), Бой (“Падаркуш”) ролларини ижро этган. У труппа учун “Адвокатлик осонми?”, “Пинак”, “Биз ва Сиз”, “Икки севги”, “Пўртугалия инқилоби” каби драмаларини ёзади. Абдулла Авлоний сахналаштирган биринчи асар Бехбудийнинг “Падаркуш”и бўлди. 1914 йил 27 феврал Тошкентнинг 2000 кишилиқ муҳташам “Колизей” театри томошабинлар билан тўла. Галерея ва йўлакларда ҳам одамга тўла эди¹¹. Бизнингча бу кун тошкентликлар учун байрамдек бўлган, ва уларнинг хотирасила узоқ сақланиб қолган. “Турон” ўз фаолиятини шундай бошлаган эди. Труппа ишида қардошлар ҳам иштирок этдилар. Жумладан, Авлоний таниқли татар режиссёри Заки Боязидский, машҳур озарбойжон санъаткори

¹¹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 1998., –Б. 11.

Сидқий Рухилло билан ҳамкорлик қилди. Масалан, труппанинг спектакларини Заки Боязидский 6 саҳнага қўйган эди. Сидқий Рухилло эса 1916 йилда Авлонийнинг таклифи билан Тошкентга келади ва шоирнинг уйида труппа кўмагида “Лайли ва Мажнун” спектаклини қўяди. Мажнун ролини Сидқий Рухиллонинг ўзи ўйнайди¹².

1916 йилда Тошкентда булган таниқли шарқшунос А. Самойлович “Колизей”да Авлоний таржима қилиб саҳналаштирган “Ўликлар” (Жалил Мамадқулизода асари)ни кўриб, ўз таассуротларини шундай ёзган эди: “Тошкентнинг улкан “Колизей” театрида озарбойжончадан ўзбек тилига таржима қилинган “Ўликлар” песаси қўйилди. Ижро жуда яхши эди...”. Тўғри, Тавалло ёзганидек, театр “тараққийнинг хабари”, “миллатнинг ҳаёт асари” эди. Лекин, умуман олганда, театрчилик ишлари осон кечган эмас, “Кимики саҳнада кўрсанг, ани жасорати бу!” деганда Тавалло мутлақо ҳақ эди¹³.

Аммо бу труппанинг профессионал театрга айланиши учун катта тўсиқлар бор эди. Чор ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати халқнинг ижтимоий онгининг уйғонишига ёрдам кўрсатувчи театрларнинг барча шаклларига қарши бўлган. Театрга ана шундай салбий муносабатда бўлган бир пайтда Авлонийнинг театр труппасини ташкил қилиш ва ижтимоий мазмундаги песаларни саҳналаштириши унинг халқ маърифати йўлидаги катта жасорат десак, муболаға бўлмайди.

Ислоннинг асл таълимотида аёллар ва уларнинг оиладаги урнига катта аҳамият берилган. Таълимотда аёллар улуғ ва мукаррам зот саналади. Ислон ғоялари билан тарбия топган Хожи Муин ўзининг “Оила тарбияси” мақоласида ўтган даврларда ислоннинг ана шу эзгу ғояларига хилоф равишда аёлларга бўлган муносабатда бузилиш рўй берганлиги хотин-қизларнинг инсон сифатидаги ҳуқуқига тажовуз этилганлигини эътироф этиб, аббосийлар

¹² Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 1998., – Б.12-13.

¹³ Mustaqillik davri adabiyoti. Toshkent., 2004. – Б. 87.

давридан бошлаб халифа ва амирлар саройида аёлларга нисбатан айш ва ишрат ҳамда шафоқат бошланганлигини таъкидлайди¹⁴.

Сўнгги йилларда юртимизда аёлларга бўлган эътибор ва ишонч кучайиб бормоқда. “Ер юзидаги ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси унинг аёлларга бўлган муносабати билан белгиланади¹⁵” - деб бежиз таъкидламаган эди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев.

Аёллар ахволи ҳамиша жамиятдаги эркинлик даражасининг мезонларидан бўлиб келган. Бу масала Авлонийда қандай ҳал қилинган?

*Илм-у дониш яхши зийнатдур хотин-қизлар аҳлини,
Кўй қадам илм уйина. Тумор-у маржонни унут*¹⁶.

Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг таълим олиши масаласи маҳаллий зиёлилар, жумладан жадидлар томонидан ҳам жамият олдидаги долзарб масала сифатида қаралган. Бу муаммо тўғрисида Авлоний қуйидагиларни таъкидлаган эди: Нима учун биз ҳеч нарса қилмаяпмиз ... бизнинг қизларимизни асирликда ушлаб турган уйқудан уйғонмаймиз, давримизнинг маданиятсизлигидан, жоҳиллигидан воз кечмаяпмиз¹⁷. Афуски, бундай муаммолар бизда ҳалигача сақланиб келмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, хотин-қизларни саводсизлиги келажагимиз саводсизлиги бўлиши мумкин, зеро уйда фарзандларимиз билан кўпроқ улар вақт ўтказишади, улар китоб ўқиб беришади. Агар, аёлларимиз саводли бўлса фарзандларимизга қандай китоб ўқишни ва қандай китоб олиб беришни билади. Кўп китоб ўқиган, саводли фарзанд эса келажагимиз бунёдкоридир.

Абдулла Авлоний 1917 йил тўнтаришига қадар Туркистонда жуда катта ижтимоий-маърифий ишларни амалга оширган жадидлар ҳаракатининг кўзга кўринган намояндаларидан эди, юқоридиги сўзлар бунинг далилидир. Абдулла Авлоний илғор зиёли кишилар билан ҳамкорликда театр томошалари ва матбуотдан тушган маблағларга дунёвий илмларни ўқитадиган “Усули жадид”,

¹⁴ Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: “Turon Iqbol”, 2010. - Б. 108.

¹⁵ Mirziyoyev. Sh. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Toshkent: “O'zbekiston”, 2017. - B. 343.

¹⁶ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б. 53.

¹⁷ O'zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). Toshkent: O'zbekiston. 2019. – B. 491.

яъни янгича илғор усулдаги мактаблар очдилар ва бу мактабларда халқ болаларини ўқитдилар. Улар ўз миллатларидан етук олимлар, билимдон мутахассислар, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод, Ватанни озод, фаровон этишларини орзу қилдилар ва бу йўлда фидойилик кўрсатдилар. Абдулла Авлоний 1917 йил тўнтаришидан кейин, 1918 йилдан бошлаб республикамизда ўқитувчилар уюшмаси, қоровуллар, тунукачилар, кўнчилар, ҳунармандлар ва босмаҳона ходимларининг касаба уюшмаларини ташкил қилиб, уларга раҳбарлик қилади. Собиқ эски шаҳар ишчи деҳқон Совет Ижроия Комитетига раис қилиб сайланади. Авлоний Туркистон республикаси миллий Комиссариятининг масъул ходими сифатида миллий урф-одатлар ва янгича маданий нормалар ҳамда қонунларга доир масалалар билан шуғулланади.

Авлоний ўзбек халқи маданияти, маърифати билан бир қаторда қўшни афғон халқи ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам фаол иштирок этган. 1919 йилнинг 28 сентябридан 1920 йилнинг 20 июлигача Ҳиротда Шўро ҳукуматининг Афғонистондаги сиёсий вакили ва консули вазифасини бажарган. Афғон сафари Авлонийдаги болшевиклар ҳукуматига бўлган шубҳани кучайтириб юборди. Ўзларини ҳақиқатчи деб жар солган рус болшевикларининг собиқ чор генералларидан мутлақо қолишмаслигига амин бўлади¹⁸. Авлоний адолатни, ҳар бир миллирнинг озод ва бахтли бўлиш ҳуқуқини дунёнинг асоси деб билди, бировга “жабр қилувчининг ёқаси ҳеч қачон жазо қўлидан қутила олмас”лигини айтди. Зулмни қоралар экан, “Мазлумнинг оҳидан ўткур нарса йўқ:

*Ҳазар қил оҳидан, Афғонидан у мазлумнинг
Бир оҳ бирла солур бошинга бутун аросат”-*

дея, “қувватсизлар” ғамини кўтариб чиқди¹⁹.

Шоир юксакдан, дунё халқлари ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, Европадаги тараққиёт нуқтаи назаридан разм солади. Мана, тараққиёт асридаги Туркистоннинг рангсиз, жонсиз ҳаётидан лавҳалар:

¹⁸ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б.69.

¹⁹ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б. 50.

*Самоварга чиқишуб, ёшу қари чулдирашур,
Эртадан кечгача чойни ичадур шўлдур-шўлдур.
Ўлтуруб мақташадур отини, эшакларини,
Бири дер - йўрға, бири дер:-сеники-дулдур-дулдур.
Уйда оч ўлтурадур хотини, эр - тўкма еяр,
Келтуруб бахча, базмларга кетар пулдур-пулдур.
Ўйнабон қарта-қимор, пулларини бой берибон,
Том тешиб, бўхча ўғирлаб, одам ўлдур-ўлдур.*

Бу лавҳалардан аста-секин Туркистоннинг яхлит манзараси ҳосил бўлади. Дилни димиқтирувчи бу сўлғин ранг қанчалик жирканч бўлса, шунча аянчли ҳамдир. Бу туйғулар бора-бора шоирда жуда табиий эҳтирослар пўртанасига айланади: “Хонумони ҳароб”, “бойқушларга ҳамдам”, фарзандлари “хайкал”дек жонсиз, “вайрон” Туркистон! Йўқ! “Саҳни жонлик жаноза бирлан тўлгон” “буюк мазор!” Унга ўлик кимсалар – “мадфун зиндалар” кўйилган. Бу тирик ўликлар - Туркистоннинг бу кунги ноқобил авлодларидир. Унинг аҳволига ер ҳам, осмон ҳам йиғлайди. У – ҳам фақир, ҳам ҳақир. Бир тарафдан жаҳолат, иккинчи томондан хорлик. Шу аҳволда у “баданидан дои-мо қон олдиради” — мустамлакачилик жафосини тортади...

*Маризинг бир тарафдан, бир тарафдан хорсан – миллат,
Бадандан доимо қон олдурад беморсан – миллат.*

У на “тили”, на “қулоғи” бўлмаган сурати девор. Бу мудҳиш ҳол шоирни ларзага солади. Бутун вужуди билан унинг “кўз очиб” дунёга разм солишини, “уйғон”ишини истайди:

*Кўзинг оч, ётма, гафлатдан ўйгон, миллат, ўсон миллат!
Топар сан бирла авлодинг омон, миллат, омон миллат! –*

деб ҳайқиради шоир. Муҳими шундаки, шоирдаги миллий ҳасрат нидолари ижтимоий оҳанг билан ҳамовоз жаранглайди. У бу “буюк мазор”нинг кимларгадир “боғи жинон” – жаннат гулшани эканлигини билади. Ҳа, у ҳаммага ҳам бирдай “аламзор” эмас. Унинг “фароғати” ҳам бор. Лекин уни “ҳукамо”гина кўради. Унинг “ғунчалари” ҳам кўп, бироқ уни “ҳукамо”гина

теради. Аммо бизда қани ўша “ҳукамо?” “Фуқаро”нинг насибаси эса, гулнинг тикани (“хор”)дир. Шу туфайли у оёқ остида – “хоки мазаллат”да. Бу “манзар” шоирга “махшар” азобини беради. Шоир унга ҳар назар ташлаганда, “бағри кабоб” бўлади. Аммо у – Она! Шоир унга фарзандки, унинг дардидан изтиробга тушади. Ўз навбатида она ҳам ўз фарзандининг тарбияси ва тақдири учун бурчли:

*Эй модарим, чўжуқларинг ифлос, беиё,
Остингдан устинг ўлди биза тар(и)қа фуқаро.
Сандин умид шулмиди, жондан азиз оно?!²⁰.*

Халқимиз ўртасида биродарликни мустаҳкамлаш соҳасидаги олиб борган ишлари учун Афғонистон шоҳи Омонуллахон томонидан кумуш соат билан тақдирланди. Булар Авлонийнинг тарихимиздаги ўзига хос ўрни борлигини кўрсатади²¹. Абдулла Авлоний соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли, 1920 йилда Афғонистондан чакириб олинади ва Туркбюронинг маданият бўлимига бошлиқ қилиб тайинланади²².

Абдулла Авлоний асарлар ёзиш билан бир қаторда мактаблар очиш, халқни саводхон қилиши, ўзбек хотин-қизларини ўқитиш, ўқитувчилар ва зиёли кадрлар тайёрлаш билан шуғулланганига амин бўлдик. У 1923-24 йилларда эски шаҳардаги хотин-қизлар ва эрлар маориф билим юртлари муdiri, 1924- 29 йилларда Тошкент ҳарбий мактабида ўқитувчи, 1925-34 йилларда Ўрта Осиё Коммунистик университети, Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалиги мактабида, Ўрта Осиё Давлат университетида дарс беради. Педагогика факультетининг тил ва адабиёт кафедраси профессори ва муdiri бўлиб ишлади.

У 1933 йилда ўзбек мактабларининг 7-синфи учун “Адабиёт христоматияси” тузиб, нашр эттирди. Унда 20-30 йиллардаги ўнлаб ўзбек адиблари ҳамда рус, европа адабиётининг қатор вакиллари ҳақида биографик маълумотлар келтирилган, уларнинг машҳур асарларидан намуналар берилган

²⁰ Rahimova N. Abdulla Avloniyning pedagogik risolalarini o'qitishda interfaol usullardan foydalanish. Buxoro – 2019. –B. 26-27.

²¹ Rahimova N. Abdulla Avloniyning pedagogik risolalarini o'qitishda interfaol usullardan foydalanish. Buxoro – 2019. –B. 11.

²² Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б. 70.

эди²³. Абдулла Авлоний “Ҳижрон”, “Набил”, “Индамас”, “Шухрат”, “Тангрикули”, “Сурайё”, “Шапалоқ”, “Чол”, “Аб”, “Чигқбой”, “Абдуҳақ” тахаллуслари билан танқидий ва илмий мақола, 4000 мисрадан ортиқ шеър ижод қилган. Авлоний 1927 йилда “Меҳнат қаҳрамони” унвони билан тақдирланди. 1930 йилда унга “Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори” фахрий унвони берилди. Абдулла Авлоний каби маърифатпарварлар умрининг маълум қисмини советлар мафкурасига хизмат қилиш билан ўтказдилар. Аммо... алданмоқ, қуёш деб югурганинг сароб бўлиб чиқса, бундан-да оғир дард, бундан-да қаттиқ алам бўлмаса керак. Бутун вужуди билан халқ ва миллат тақдири, дардини қуйлаб ўтган, февраль ва октябрь инқилобларини эзгу воқеа сифатида талқин этиб, уни буюк орзуларнинг амалга ошиши дея тараннум этиб ўтган жаҳидларни тушунмоқ керак. Қалбида эзгу ғоялар мужассам, умрининг ҳар дақиқасини Ватан озодлиги ва ободлигини орзу қилиб яшаётган жаҳидларнинг бу икки воқеани самимий бир кўтаринки кайфият билан кутиб олиши табиий эди²⁴. Ўша йилларнинг суронли даври, бу даврнинг ташвишли ва таҳликали йилларида яшашнинг ўзи осон бўлмаган. Бир томондан, советларнинг ҳар қандай чоралар билан бўлса-да, ўлкада қўлга киритган мавқеларини сақлаб қолишга уриниши, халқни ўз томонига оғдириш учун олиб бораётган сиёсатининг кучайиб бориши, катта-катта ваъдалар билан авж олдириб юборилган тарғибот-ташвиқотлар баъзи жаҳид маърифатпарварларни ўзига жалб этган бўлса, иккинчи томондан, уларнинг бу ваъдаларга ишонч билан қараб, унга фидойилик ила хизмат қилганлиги. Чунки жаҳид маърифатпарварларининг нияти мамлакатда халқнинг аҳволини яхшилаш, янгилик ва тараққиётга эришиш эди. Бунинг устига советлар ўзларининг ҳақиқий башараларини инқилобнинг биринчи йиллари ҳали тўла намоён этиб улгурмаган эди²⁵. Улар ниқобини ечганда афсус кеч бўлганди. Кўп жаҳидлар қатағон қурбони бўлишди, кўплари ва халқ орасида ўзларини ўчмас номларини қолдирдилар. Қатағон машинасининг тинимсиз ишлаши ва минглаб халқнинг

²³ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б. 79.

²⁴ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б. 116.

²⁵ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б. 117.

сара фарзандларини ўз домига тортаётганлигини кўриб туриб, ўз ҳаётини сақлаб қолишга уринган жадид маърифатпарварлари ҳам булди... бу балки, улар учун сўнгги чора бўлгандир... Аммо бир нарсани тан олиш керакки, ўзи туғилиб ўсган шу тупроққа бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқат аксарият жадид маърифатпарварлари қарашларида, уларнинг ижодида доимо уфуриб турди, уларнинг ҳар қандай шароитда ҳам ўз эътиқодида собит турганлиги бор ҳақиқатдир²⁶. Уларнинг ичида Абдулла Авлоний ҳам бор эди.

*Сиқарди ҳар тарафдан бизни золим ул ҳукуматлар,
Йўлимизни тўсарди беҳаё носид табиатлар.
Тараққий йўлига сад боғлаюрди беҳамиятлар,
Ҳақиқат ишламасди, ишлаюрди бизда бидъатлар.*
(Абдулла Авлоний)²⁷.

Абдулла Авлоний 1934 йил 25 августда вафот этди. Ҳозирда мустақил Ўзбекистонимизда Абдулла Авлоний номида бир қатор мактаблар бор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси болалар адабиёти бўйича унинг номида мукофот таъсис этган. Тошкент кўчаларидан бири, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш маркази ва маҳаллалардан бири унинг номида. Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказида Абдулла Авлоний музейи ташкил қилинган. Унинг педагогик қарашлари бугунги кунда ўзбек миллий мактабини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Авлоний ижодий меросини чуқур ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Абдулла Авлонийнинг таълим-тарбия соҳасидаги қарашлари ўзбек халқининг руҳияти, турмуш тарзи, миллий кадриятлари билан чамбарчас боғланган. Унинг бой педагогик мероси миллий мактаб, миллий педагогикани ривожлантиришда қимматбаҳо манба бўлиб хизмат қилади. Шу маънода Авлонийнинг сиймоси, фаолияти биз учун қадрлидир.

²⁶ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент. Маънавият. 2009. –Б. 117.

²⁷ Содиков М. Эркесвар, хурриятпарвар эл ворисларимиз. Тошкент. “Камалак” 1992. –Б. 30.

II. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИ

Абдулла Авлониё маърифатпарвар жаҳид нафақат илм, дарс, маориф ишлари билан балки муҳтож, ғариб, ночорларга ёрдам бериш, ёшларни маърифатли қилишда хорижга ўқишга юбориш учун кўмаклашиш каби хайрли ишлар билан ҳам шуғулланиб, жамиятлар ташкил этган. Унинг ўз маблағи, ҳузур-ҳаловатидан кечиб, халққа яхшилик илинжида, ўз халқини саводли, маънавиятли ва маданиятли қилиш учун жонбозлик кўрсатишга уринган. “Нашриёт” ширкати тузиб, Хадрада “Мактаб кутубхонаси” номли китоб дўкони очади. Янги ўқув тизимини ёйиш учун янги дарсликлар зарур эди. 1909 йилдан 1917 йилгача бўлган даврда ўзбек мактаби тарихи ва педагогик фикр тараққиётида катта рол ўйнаган 10 дан ортиқ қўлланма ёзган. Педагогика янги босқичга кўтарилди. “Биринчи муаллим” китоби бошланғич мактабга мўлжалланган бўлиб, таълимнинг оддийдан мураккаб тамойили асосида ёзилган. “Иккинчи муаллим” биринчи китобнинг давоми ва такомиллаштирилган шакли эди. У янги мактаблар учун қўлланма ва ўқув китоблар ёзиб, нашр қилдирган. Абдулла Авлониёнинг мактаб учун яратган асарлари нафақат бадиий, балки ноёб тарихий - педагогик, таълимий ва қомусий ёдгорлик ҳисобланади. Сўнгги йилларда буюк донишмандлик мажмуаси бўлмиш бу асарларни ўрганишга қизиқиш айниқса кучайди. Шарқ мутафаккирлари асарлари билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир қарра шунга иқрор бўламизки, улар асарларида мангу китобларида ифода этилган буюк ғоялар, фалсафий педагогик ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам хайратда қолдиради. Жумладан “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар” тўрт қисмдан иборат, “Биринчи муаллим” 1911йилда нашр этилган. Ушбу китоб ўзига хос ўринга эга; “Биринчи муаллим” 1917 йил тўнтаришига қадар 4 маротаба нашр этилган. “Биринчи муаллим” дарслигидаги пандномаларда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик намояндаси Пошшоҳўжа (1480 – XVI аср биринчи ярми)нинг “Мифтоҳ ул-адл” (“Адолат калити”) ҳамда “Гулзор” ҳикоялар тўпламларидаги машҳур ҳикояларни болаларбоп қилиб қайта ишлаганлиги ҳам сезилади. Маълумки, Пошшоҳўжа тўпламларида ахлоқий-

таълимий масалаларга бағишланган ҳикоялар анчагина. Шу нуқтаи назардан тўғрилиқ, ростгўйлик ғоясини илгари сурувчи “Султон Санжар Мозий ва тўғри дарахтли кампир” ҳикояси эътиборга лойиқ. А.Авлоний ушбу ҳикояга ижодий ёндашган, болалар руҳиятига, тарбиясига анча яқинлаштирган. Авлоний ҳикояси шундай мазмунда:

Бир кампирнинг ҳовлисида тут дарахти бор бўлиб, ниҳоятда тик ва тўғри ўсган эди. Кампир тут пишган вақтда уни қуришиб сотар ва тирикчилигини шундан ўтказар эди. Подшоҳ бир айвон қурдирмоқчи бўлади, устун учун тўғри ёғоч топиш анча мушкул кечади. Охирида кампирнинг ҳовлисидаги тутдарахти подшоҳ айвонга мос келиши маълум бўлади. Подшоҳ тут дарахтини минг олтинга сотиб олади, кампир “бой хотин” номини олади. Ниҳоятда тўғри ўсган тут дарахти айвонга гўзаллик бағишлайди.



А.Авлоний “Биринчи муаллим” асарини Саидрасул Саидазизовнинг “Устои аввал” ҳамда Мунавварқори Абдурашидхон ўғлининг “Адиби аввал” асарларидан кейин тилга олади: “Учинчи – “Биринчи муаллим”. Бу алифбо 1912 йилда Абдулла Авлоний томонидан ёзилиб, Тошкентда “Мактаб” кутубхонасининг харжи билан босилди. Октабр ўзгаришигача 4-5 қатла

босилиб чикди”. Муаллиф алифбони яратишда болаларнинг ёш хусусиятларига алоҳида эътибор берди, ўқишнинг энг осон усуллари кўллашга ҳаракат қилди. Бу ҳақда А.Авлоний ёзади: “Муҳтарам муаллим афандиларимиздан рижо қилурманки, бизнинг “Биринчи муаллим”имиздан ҳам олуб, тажриба қилуб, ўкутуб кўрсалар. Чунки ҳар гулнинг бир иси, ҳар меванинг таъм ва мазаси бордур. Бу “бўй” ва таъм эса тажриба соҳибларина кашф ва маълум ўлур. Шояд, миллат болаларина фоидабахш ўлур умидунда бир неча муаллимларимизнинг илтижолари ила кўб вақт тажриба сўнгидан бу рисолаи ожизаномани “Биринчи муаллим” исми-ла майдони интишора кўйдим. Маорифпарвар муаллим биродарларимиз илтифотсиз қолдирмасалар керак”.

Шоир таъкидида тонг отиши, уйқудан кўз очиш вақти етганлиги ўз ва рамзий маъно касб этган. Аввало, сахарда чиққан қуёш панжарадан мўралаб, ухлаб ётган болакайни ўз нурлари билан эркалаб уйғотиши, шунингдек, тонг қушлару чуғурчуқлар, боларию бузоқларни эрта уйғотиб, кундалик “машғулот”ига ундагани каби кичкинтой ўғил-қизларга ҳам китоб-дафтарни қўлга олиб, илм йўлини излашга даъват этаётгани англашилади. Бундан ташқари, шеър мазмунида жаҳолат ва ғафлат уйқусидан уйғониш, ўзлигини англаш туйғуси ҳам мавжуд.

Китоб мактабни олқишловчи шеър билан бошланади:

Мактаб сизи инсон қилур,

Мактаб ҳаёт эҳсон қилур,

Мактаб ғами вайрон қилур,

Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Мактабдадур илму камол,

Мактабдадур ҳусну жамол,

Мактабдадур миллий хаёл,

Ғайрат қилиб ўқинг, ўғлон!

Бу шеърда Абдулла Авлоний мактабни қоронғу хонадаги шам чироқдек деб мақтайди. Ушбу шеърда мактаб тинчлик, қалбларга яхшилик, омонлик уйи, ҳаёт манбаи, равшанлик келтирувчи жой сифатида тасвирланиши билан бирга,

у ахлоқ-одоб уйи, Аллоҳнинг эҳсони ва бир ажиб гулшан сифатида талқин этилади десак, адашмаган бўламиз. Муаллифнинг “Мактаб гулисонии” китобидаги “Мактаб” шеърида ҳам ушбу фикрлар мантиқан давом этади:

*Фирдавси жинон мактаб, нодонлара жон мактаб,
Билган кишига қадрин, бир доруломон мактаб.
Жоҳиллара ғам мактаб, ялқовлара кам мактаб,
Хуснихат кишиларга чин руҳи равон мактаб.
Жоним, ўқунгиз мактаб, бору йўқунгиз мактаб,
Сизлар учун, авлодим, боғу гулистон мактаб.*

Шунга ўхшаш, “Мактаб” номли шеър А. Авлониининг “Адабиёт ёхуд миллий шеърлардан 2-жузв” китобида ҳам учраши бежиз эмас. Унда мактаб таърифининг янада янги қирралари бўртиб туради. Кўринадикки, шеърлар мавзу жиҳатдан бир, аммо уларнинг талқини, бадиий ифодаси мураккаблаша борган. Биринчи шеърда шоир ёш китобхонни ўқишга, илм-маърифатга тарғиб қилса, иккинчи шеърда мактабнинг кимларга фойдаю қандай кишиларга зарар экани қиёсланади; учинчи шеърда эса мактабнинг алоҳида манфаатлари хусусида эмас, умуммиллат ва юртга келтирадиган фойдалари тилга олинади²⁸.

А.Авлоний “Иккинчи муаллим” дарслигида ушбу таъсирчан усулдан моҳирона фойдаланган, яъни ундаги матнларнинг 20 таси масал жанрига мансубдир. Муаллиф дарсликдаги ҳикоя ва масалларнинг барчасида икки қарама-қарши қутб - яхшилик ва ёмонлик, аҳиллик ва худбинлик, меҳнацеварлик ва дангасалик каби ижобий ва салбий хусусиятларни бири-бирига муқояса қилади, хулоса – “қиссадан ҳисса”да эса уларни ҳолисона баҳолайди. “Иккинчи муаллим”да болаларнинг савияси, ёшлари ўсганлигини ҳисобга олган: улардаги шеърлар ва насрий ҳикоялар шаклан ва мазмунан, илгари сурилган масалалар кўлами “Биринчи муаллим”дагига нисбатан анча кенг. Мана шундай дидактик масаллардан бири “Арслон билан айиқ” асаридир. Бир куни Арслон билан Айиқ дўстлашиб овга чиқадилар, югуриб-елиб охири

²⁸ Rahimova N. Abdulla Avloniyning pedagogik risolalarini o'qitishda interfaol usullardan foydalanish. Buxoro – 2019. –B. 21.

бир кийикни тутадилар. Енди ёмоқчи бўлиб турганларида ораларида жанжал чиқади. Арслон: “Мен каттаман, менга кўпроқ тегиши керак”, - дейди. Айик: “Мен кўпроқ ҳаракат қилдим, елиб-югурдим, сен бир жойда қараб ўтирдинг, шунинг учун сергўшт жойи менга тегиши керак”, - дейди. Жанжал урушга айланади, уларнинг аҳволи шу даражага етадики, ҳатто қимирлашга ҳам мажоллари қолмайди. Бундан хабар топган бир неча бўрилар тайёр гўштни пок-покизасига уриб, суякларини қолдириб кетадилар. Бу жанжалкаш урушқоқлар бир-бирларига афсус билан шундай дер эдилар: “Агар бундай урушмаганимизда оғзимиздагини олдирмаган ва улардан қолган қуруқ суякни чайнамаган бўлар эдик”. Муаллиф жанжанкашликни қаттиқ қоралайди, ҳамжихатликни эса улуғлайди. Абдулла Авлоний “Иккинчи муаллим” дарслигида ифодали ҳамда ёддан ўқиш учун махсус шеърлар яратди. Шоир бундай шеърларнинг тузилишига, мусиқийлигига, қофияларнинг, туроқларнинг мунтазамлигига алоҳида эътибор берди. Одатда, бундай шеърларга муаллиф билан бир қаторда ўқувчининг ҳам ҳис-туйғулари сингиб кетади. Демак, ифодали ўқишга қаратилган шеърлар жарангдор, ўйноқи, ўқувчининг ҳис-туйғуларига шеърятни-гўзалликни, бадий сўзни ҳис қилишга ўргатиш вазифасини қўяди. Абдулла Авлоний ўқувчиларни эстетик тарбиялашда, уларнинг оғзаки нутқини ўстиришда мактабнинг пастки синфларидаёқ ифодали ўқиш методига алоҳида эътибор беради²⁹. Шунинг учун ҳам муаллифнинг ушбу “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим” дарсликлари усули жаҳид мактабларида анча кенг қўлланган ва бир неча бор қайта нашр қилинган.

Умуман, А.Авлоний “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим” китобларида ёш китобхонлар тафаккурига мос илм хосияти ва илмсизлик оқибати тўғрисида панднома тарзидаги сатрларни битган бўлса, “Мактаб гулистони”даги шеър, ҳикоя ва масалларда ижтимоий долзарб муаммоларни ҳам қамраб олиши ойдинлашади. Зеро, бундай шеърларда орқали ёш авлодни

²⁹ Xurramov M., Pardayeva M., International Consortium on Academic, Trends on Education and Science Hosted from London, England. 2021. –Б. 10-11.

маърифатга даъват этиш билан бирга, уларни ватанпарвар, ўз миллатига, юртига садоқатли қилиб тарбиялаш мақсади ҳам кўзланган.

*Керак тарбият ёшликдан демак,
Улуғ бўлса, лозим келур ғам емак
Эгур бемашаққат киши новдани,
Тугунча эрур куйдириб.*

1913 йили ёзилган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асари ахлоқий ва таълимий тарбиявий асардир. 1917 йилда ушбу китоб иккинчи марта босиб чиқарилди³⁰. Асарда инсонларни “яхшиликка чакирувчи, ёмонлардан қайтарувчи” бир илм-ахлоқ ҳақида фикр юритилади. Абдулла Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли ҳақида фикр юритиб “Агар бир киши ёшлигида нафси бузулиб, тарбиясиз, ахлоқсиз бўлиб ўсдими, Аллоҳу Акбар, бундай кишилардан яхшилик кутмоқ ердан туруб юлдузларга қўл узатмак кабидур”, - дейди. Унинг фикрича, болаларда ахлоқий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий муҳит, оилавий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта аҳамиятга эга. У инсонга хос хулқни иккига - яхши ва ёмонга ажратади. “Яхши хулқлар” деб номланган биринчи қисмида у 31 фазилат, “Ёмон хулқлар” деб аталган иккинчи қисмда эса 20 иллатга таъриф беради. Ўз мулоҳазаларини далиллаш учун Қуръон оятлари ва ҳадислардан, шунингдек, Арасту, Сукрот, Ибн Сино, Саъдий, Мирзо Бедил сингари машҳур мутафаккирларнинг фикрларини келтиради. Ҳар бир ахлоқий категорияга ўз муносабатини билдиргач, ўша фикрнинг мазмунини ифодаловчи байт ё бирор мақол-ҳикмат илова қилади. Авлоний “ахлоқ уламози”нинг қарашлари асосида инсонларнинг хулқларини яхши ва ёмон хулқларга ажратади, бунга уларнинг нафс тарбиясини асос қилиб олади. У яхши хулқларга фатонат, назофат, шижоат, интизом, виждон, ватанни суймак каби фазилатларни киритса, ғазаб, шаҳват, жаҳолат, сафоҳат каби иллатларни ёмон хулқнинг белгилари деб билади.

³⁰ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. I -жилд. — Т.: “Маънавият”, 2009. —Б.31.

Шунингдек, “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”нинг биринчи саҳифасидан то сўнгги саҳифасигача Авлонийнинг инсонпарварлик ғоялари ифодаланган. У ҳаммадан бурун халқ манфаатини кўзлайди, халққа бажону дил хизмат қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билади. Унинг назарида кишилар ғамини емаган, халқдан узоқ турган иғвогар, ғийбатчи инсон эмас. Муаллиф чақимчилик, ғийбат, ҳасад, мунофиқлик, ёлғончилик, иккиюзламачилик ҳақида тўхталиб, уларнинг инсонлар ҳаётига зарарини атрофлича кўрсатиб беради. Ғийбатчи ва чақимчи кишиларни Авлоний бузоқ бошига ўхшатади. Бузоқ боши дарахт илдизини кемириб қуритгани каби чақимчи ва ғийбатчилар ҳам кишилар ўртасидаги меҳр-муҳаббат дарахтини емирадилар. Донишмандлардан бири айтганидек, “Мол ва ашё ўғриларида кўра одамлар орасида дўстлик, улфат, муҳаббатни ўғирлайдурган одамлардан сақланмоқ лозимдир”³¹. Авлоний ғийбатчилик ва унинг оқибатини шундай таҳлил этади: “Инсон бошқа гуноҳларини нафсининг лаззати учун қиладур. Аммо ғийбат соҳиби лаззат ўрнига ўз бошига ё бир бошқа кишининг бошига бир бало ҳозирлайдур. Чунки, сўз бориб ғийбат қилинмиш кишининг қулоғига етар. Ғазаб қони ҳаракатга кирар. ғийбатчидан ўч олмоқ фурсатини пойлар. Шундай қилуб, ғийбат соясида икки мусулмон орасига зўр душманлик тушар. Охири ўлумгача борур. Шул тариқа ғийбатдан туғулган адоват чўзулмоққа оид бўлиб, душманлик зўраюб, ўз ораларидаги хусусий жанжаллар ила азиз умрларини уздируб, умумий халқ фойдаси учун ишланадурган миллий ишлардан маҳрум бўлмаклари ила баробар аҳолининг орасидан иттифоқнинг йўқолувиға сабаб бўлурлар”³².

Ғийбатни сўйламоқ ҳаром ўлгани каби эшитмоқ ҳам ҳаромдир. Расули акрам набийи мухтарама саллолоҳу алайҳи вассалам афандимиз: “Ғийбатдан сақланингиз, ғийбат зиндондан ҳам ёмонроқдур”³³, — демишлар. Ўша китобида авлоний ҳар бир киши ўз вазифасига садоқат билан киришиши, агар у мураббий бўлса, ўз шогирдларининг кўнглига маърифат ишқини солиши, халқ ўртасига маърифат тарқатиши зарурлигини таъкидлайди. “Ҳозирги замонда мақсадга

³¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 50-бет.

³² Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 51-бет

³³ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 51-бет

етмак, ўз миллатига хизмат қилмоқ, халққа мақбул бўлмоқ учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги ҳамма миллатларнинг ҳол ва қудратлари мол ва бойликлари ила ўлчанадур. ...Мол топмоқнинг энг барокатли йўллари: ҳунармандчилик, экинчилик, чорвачилик, савдогарликдур. Буларнинг ҳар бирига ҳам бу замонамизда билим лозимдур... Америкаликлар бир дона буғдой экиб, йигирма кадоқ олурлар. Европаликлар ўзимиздан олган беш тийинлик пахтамизни келтириб, ўзимизга йигирма беш тийинга сотурлар. Аммо биз осиеликлар, хусусан туркистонликлар, думба сотуб, чандир чайнаймиз, каймоқ бериб, сут ошиймиз, нон ўрнига кесак тишлаймиз”, деб Авлоний ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмоқ учун илм ва маърифатни эгаллашимиз керак деган шиорни ўртага ташлайди.

Шунингдек, “Мактаб гулистон” (1915), “Мардикорлар ашувласи” (1917) каби бошқа дарслик ва ўқиш китобларини яратган. Бу асарларида ҳамда публицистика мақолаларида дунё халқлари маданиятини, илм-фанни улуғлаб ўз халқини маданиятли бўлишга чақиради. Авлоний илмни умуман эмас, балки унинг амалий ва ҳаётий фойдаларини айтиб, “Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур. Маданият инсониятни маърифат дунёсига чиқарур, ёмон феъллардан, бузуғ ишлардан қайтарур, яхши хулқ ва одоб соҳиби қилур... Алҳосил бутун ҳаётимиз, саломатимиз, саодатимиз, сарватимиз, маишатимиз, ҳимматимиз, ғайратимиз, дунё ва охиратимиз илма боғлидур”³⁴. Шоир ўтмишда маърифат гулшани бўлган юртимизнинг жаҳолат ботқоғига ботганидан афсуслар чекиб, ватанимиз тобора вайронага айланаётгани, илм-маърифатга ошно бўлишгина кишиларни бу ғамдан қутқаришини таъкидлайди. Шу маънода шоирнинг “Илма тарғиб”, “Жаҳолат”, “Истиқболдан орзуларим”, “Миллатга салом” шеърлари миллат фарзандларига хитоб тарзида битилган.

³⁴ Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo'limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz.//Toshkent - 2017, “O'zbekiston”, 593 b

“Миллатга салом” шеъридан

*Эй сабо, етур бу саломими,
Илм кўйида юран ҳабибим, дилраболари,
Тонг отибди, кўр, нур олиб жаҳон,
Боқ, кўзинг очиб, азизим, рўшнолара.
Боқ, зиёлара, ҳамсоёлара,
Илм ила учар, азизим, боқ ҳаволара.*

Умуман, А.Авлоний “Биринчи муаллим” ва “Иккинчи муаллим” китобларида ёш китобхонлар тафаккурига мос илм хосияти ва илмсизлик оқибати тўғрисида панднома тарзидаги сатрларни битган бўлса, “Мактаб гулистони”даги шеър, ҳикоя ва масалларда ижтимоий долзарб муаммоларни ҳам қамраб олиши ойдинлашади. Зеро, бундай шеърларда орқали ёш авлодни маърифатга даъват етиш билан бирга, уларни ватанпарвар, ўз миллатига, юртига садоқатли қилиб тарбиялаш мақсади ҳам кўзланган.

*Керак тарбият ёшликдан демак,
Улуғ бўлса, лозим келур ҳам емак
Эгур бемашаққат киши новдани,
Тугунча эрур куйдириб.*

(Абдулла Авлоний)

Асарлари: “Адвокатлик осонми” (1914), “Пинак” (1916), “Биз ва сиз” (1917), “Португалия инқилоби”, “Икки муҳаббат”, “Бўрон” каби песалари, “Тулки ила қарға” масали, “Мардикорлар ашуласи”, “Ватан” (1916), “Мактаб”, “Боғча”, “Ялқов шогирд тилидан”, “Тоғлардан бир манзара”, “Миллатга хитоб”, “Ишчилара тортуқ”, “Кўклам келди”, “Товуш” каби шеърлари, “Мақсад ва маслак” (1908 йил 9 апрел), “Ҳолимизга доир” (1908 йил 14 феврал) каби мақолалари, “Ҳасад балоси” мажозий ҳикояси ва бошқалар.

XX аср бошларида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида педагогик фикрларнинг ривожига Абдулла Авлоний алоҳида ўрин эгаллади, бутун фаолияти даврида у ўз халқига хизмат қиладиган комил инсонни етиштириш,

унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди. Ўзбек педагогикаси тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага “Педагогия”, яъни бола тарбиясининг фанидир”, деб таъриф берди. Табиий бундай таъриф Авлонийнинг педагогика фанини яхши билганлигидан далолат беради. Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда қуйидаги тўрт бўлимга ажратади: 1. “Тарбиянинг замони”. 2. “Бадан тарбияси”. 3. “Фикр тарбияси”. 4. “Ахлоқ тарбияси” ҳақида ҳамда унинг аҳамияти тўғрисида фикр юритади. “Тарбиянинг замони” бўлимида тарбияни ёшликдан бериш зарурлигини, бу ишга ҳаммани: ота-она, муаллим, ҳукумат ва бошқаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди. “Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидур” деб уқтиради, Авлоний. Тарбия хусусий иш эмас, миллий, ижтимоий ишдир. Абдулла Авлоний инсон тарбиясини бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган уч йўналишга бўлади: бадан тарбияси, фикр тарбияси ва ахлоқ тарбияси. Инсон учун аввало бадан саломат бўлмоғи зарурдир, бадан соқ бўлгандагина инсон учун зарур бўлган бошқа амалларни сингдириш мумкин. Бунинг учун ичкилик, кўкнор, наша каби инсон баданини бевақт залолатга, тубанликка олиб борувчи, саломатликка зарар, “баъзи ҳаром, баъзи макруҳ” нарсалардан асраши керак. Бу эса Авлоний ёзишича, фикр тарбияси учун замин яратади. Фикр тарбияси фарзандни комил инсон даражасига кўтаришда муҳим омил ҳисобланади. Бу вазифани амалга оширишда асосий масъулият ўқитувчи зиммасига тушади. Чунки муаллим дарс жараёнида ўқувчиларни фикрлашга, ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг моҳиятини чуқур идрок қилишга ўргатади. А. Авлоний таълим ва тарбия бирлигига алоҳида аҳамият беради. Инсон ақлий фаолиятининг ифодаси бўлмиш фикр тарбияси орқалигина катта шарафга, баркамолликка эришади, бу ўринда ўқитувчининг фикрлаш доирасининг кенглиги, билим савиясининг ҳар жиҳатдан юксаклиги ўқувчилари тарбиясида ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фикрлаш қобилиятини ривожлантириш ақл билан иш тутишга олиб келади: ўқувчиларни яхши хулқлар билан ёмон хулқларни фарқлашга, комил инсон учун зарур бўлган яхши хулқларни эгаллашга, инсонни залолатга етакловчи

ёмон хулқлардан узоқ бўлишга ўргатади. Туркистон мактабларида уқилаётган машғулотлар давомида болалар араб алифбосидаги ҳарфларни, ўзлари тушунар-тушунмас араб ва форсча шеър, ғазалларни узоқ вақт” ёд олишар, бундан ташқари, бола шарқ алломаларининг муҳаббат ҳақидаги асарларини ўқиш ва ёд олишга мажбур этиларди. Оқибатда бундай оғир, бола ёшига мос келмайдиган дарс материални ўзлаштириш болада қийинчидик туғдирарди. Бунинг устига калтаклар остида, дарсга қизиқтиришга қаратилган усулларсиз, фақат ёд олишдек қолоқ ўқитиш усули болада зерикиш ва дарсни ўзлаштиришга бўлган рағбатнинг пасайишига олиб келарди³⁵. XX асрнинг бошида кўплаб янги мактаблар ташкил этилса-да, улар орасида ҳеч вақт ўтмай фаолияти тўхтаган мактаблар ҳам кўп бўлган. Бу мактабларни ёпишда маҳаллий уламолар ўз “ҳиссалари”ни қўшиш учун турли баҳоналарни излаб топарди. “Мактабимда ер, одамлар, тоғ-тошлар, дарё, осмон ҳақида суҳбатлар ўтказмоққа ҳаракат қилганимни Миробод жоҳил кишилари билишиб, мени кофир бўлдинг, деб мактабимни ёпдилар”,³⁶. — дея хотирлайди Абдулла Авлоний.

Маърифатпарвар мураббий Абдулла Авлоний ўзининг “Ифодаи махсуса” асарида ўша давр мактабхоналаридаги ўқитиш жараёнига тўхталиб: “... ўз она тилини дуруст билмағон, эндигина ҳарфларни бир-биридан айирғон бир ёш боланинг қўлига “Чоҳор китоб” бериб, “Ибтидо мекунам баноме худо” ёки “Сабот ул — ожизин» бериб»: “сано лил — холиқи габрону афлоқ” ёки “Фузулий» бериб: “Қал анорал-ишқдил ушшоқ, минҳожал — худо” ёки “Хожа Хофиз” бериб: “Ало ё аҳювас-соқий, адар қаъсан ва новилҳо” ва сойиралар каби форсий, арабий лисонларида ёзилмиш энг адабий ва ҳикматлик жумлаларни уқитмак ила ердан туриб юлдузларга кул узатмак орасида фарқ йуқдур, занэ дарам. Ворсун, бу занним хато улсун-да, болаларнинг онлардан бир нарса англамаклари мумкин-да ўлсун”³⁷,— дея ўзининг танқидий муносабатини билдириб ўтади. Дарҳақиқат, боланинг ёшига мос бўлмаган


³⁵ Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: “Turon Iqbol”, 2010. - Б. 24-25.

³⁶ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. — Тошкент: “Маънавият”, 2006. —Б. 19.

³⁷ Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. I -жилд. — Т.: “Маънавият”, 2006. —Б. 82-83.

китоблар бериб, уларни билимли қилишга интилишнинг ўзи салбий бир ҳолатдир. Чунки, ёшига мос келмаган адабиётлар болада билим олишдан кўра унда ёшига мос келмайдиган фикр ва дунёкарашни вужудга келтиради.

Бизнингча, Абдулла Авланий таълим беришда болалар учун қандай билимлар қўйилганлиги бизнинг эртанги кунимизга боғлиқ деган фикр уни олға юришга ҳааркат қилган. Педагогиканинг муҳим таркибий қисмлари: шахсни шакллантиришга ёрдам бериш, истеъдод ва қобилиятларни ривожлантириш учун шароит яратиш. Болаларни севиш, уларни эшитиш ва тинглаш, қийин саволларга жавоб топиш ва янги ютуқларни рағбатлантириш, муваффақиятга ишониш учун ёрдам бериш муҳимдир деган ғоя эса унинг шиори, эртанги кунга ишончи бўлади. Чунки, айрим уламолар ва рухонийлар ҳамда ҳукмрон ҳукумат томонидан кўрсатилаётган қаршиликларга қарамай ўз манфаатидан кўра халқ миллат манфаатини устун қўйди.



Абдулла Авланийнинг 100 йилигига бағишланган Гулистон журналининг 7 сони 1978 й.

Она тилида дарс ўтиш ўқувчиларда дарсни ўзлаштиришни осонлаштириш билан бирга уларда миллий маънавиятни сақлаб қолишни назарда тутган жадидлар таълим тизимида она тилини чуқурроқ ўргатиш, она тилидаги

дарсларни кўпайтириш, бошқача айтганда, ўқув дастурида она тилидаги дарслар нисбатини ошириш уларда ватанпарварлик, халқпарварлик туйғуларини тарбиялайди, охир оқибатда эса бу ёшларда миллий-озодлик кураши учун замин ҳозирлайди, деб ҳисоблаганлар. Абдулла Авланий тили билан айтганда эса, “Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмак”³⁸ десак адашмаган бўламиз. Биз тилни дарахтга ўхшатишимиз мумкин, дарахт ўсгани сари унинг шохчалари ҳам кўпаяди, келажак авлод қанча вақтгача дарахтни авайлаб, уни парвариш қилса, дарахт ўсаверади, лекин уни авайлаб, асрамаса, дарахт қуриб қолади. Худди шундай тилни ҳам қадрлаб асраса, у буюклашади. Минтақада ва дунёда тилимизни қадр ва нуфузини ошириш бизга боғлиқ. Афсуски, собиқ иттифоқ даврида бизнинг тилимиз гўзаллиги анча зарар кўрди. Бизни тилимизни йўқотмоқчи бўлганлар ҳам учради, тарих буни яққол исботи. Лекин бизнинг халқимиз ўз Ватанига, динига, тилига содиқ қолди. 1989 йил 21 октябрда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Давлатимиз конституциясида ўзбек тили мақоми қонунан мустаҳкамлаб қўйилди. Бунда ўз-ўзидан барча давлат ҳужжатлари ўзбек тилида юритилди, газета ва журналлар эса ўзбек тилида чоп этила бошланди. 1993 йил 2 сентабрда “Лотин тилига асосланган ўзбек алифбосини тузиш тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, тилимиз ривожига катта ҳисса қўшди. Масалан, чет элликларни тилимизга қизиқиши кейинги йилларда ошди. Афсуски, иттифоқ даврида бошланган, ундан кейинги йилларда эса четдан келган ҳар хил жаргонлар тилимиз обрўсига зарар етказаётгани ҳаммамизга маълум. Зеро, бир тушунчага тегишли сўз, бир неча сўзлар билан ифодаланса, яни синоним сўзлари қанча кўп бўлса, айнан шу тил бой ҳисобланади. Шундай тилимизни номуносиб сўзлар билан бузиш бизга ярашармикан? Шунинг учун ота-боболаримиз бизга уни қолдирдиларми? Йўқ. Демак, биз тилимизни бойлигини, гўзаллигини унданда нуфузини ошириб қолдиришга мажбурмиз. Шу туфайли кўплаб адибларимиз тил ҳақида кўплаб ҳикматли сўзларни айтганлар. Масалан, Абдулла Авланий шундай ёзадилар: “Зиғир ёғи солуб, мошкичири каби қилуб,

³⁸ Номозова К. Жадиличлик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: “Turon Iqbol”, 2010. - Б. 35-36.

аралаш-куралаш қилмак тилнинг руҳини бузадур” ёки “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адбиётдир” деган гаплари бугунги кунда ўз исботини топмоқда. Тил ҳар бир миллатнинг маънавий бойлигидир. Тил нафақат муаммола воситаси-балки, халқнинг урф-одати, тарихи, маданияти ҳам ҳисобланади.

Бошқа миллат вакиллари тилларини ҳурмат қилиш, ўзаро тушунишни ва мулоқотларга имконият яратади. Барчамизга аёнки, тилларни сақлаб қолиш учун эса бу тилларни қўллаб қувватлаш зарур. Она тилимизни халқимиз ижтимоий ҳаётида ва дунё миқёсида обрў-эътиборини тубдан ошириш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлиқ жорий этиш мақсадида, Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганини 30 йиллигини нишонлаш арафасида 2019 йил 21 октябр куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Бу эса ўз-ўзидан бизнинг тилимиз қонун ҳимоясидалигининг яна бир исботи бўлди. Бундан ташқари 2020 йил 20 октябр Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатимизда Ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони эълон қилинди. Унга кўра: 2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси 1-иловага мувофиқ тасдиқланиши ва унда қуйидагилар назарда тутилиши белгиланди:

- мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳаларида давлат тили имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

- таълим ташкилотларида давлат тилини ўқитиш тизимини янада такомиллаштириш, унинг илм-фан тили сифатидаги нуфузини ошириш;

- давлат тилининг софлигини сақлаш, уни бойитиб бориш ва аҳолининг нутқ маданиятини ошириш;

-давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш;

-давлат тилининг халқаро миқёсдаги ўрни ва нуфузини ошириш, бу борада хорижий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш;

-мамлакатимизда истиқомат қиладиган барча миллат ва элатлар тилларини ривожлантириш мақсадида кенг ва тенг имкониятлар ҳамда уларга давлат тилини ўрганиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш белгилаб қўйилган. Бу эса юртимизда тилимизни мавқеини оширишга катта ҳисса қўшади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, биз ўз тилимизни дунё миқёсига чиқариш учун, авваламбор, ўзимиздан бошлашимиз керак. Тилимизни Абдулла Авлоний айтганидек, руҳини бузмай сақлаб қолишимиз зарур. Она тилимизни имкониятларидан кенг қамровли фойдаланиш, унинг халқаро майдонда нуфузини юксалтириш, бизнинг - ҳар биримизнинг бурчимиздир. Авлоний миллатни хор қилаётган бу жаҳолатдан қутқармоқликнинг йўлини илм ва уни берувчи мактабдан излаш керак, деган фикрни илгари сурди:

Ҳамма хурсандликни маъданидур илм, эй ўғлон,
Ҳамма фазлу қарамни манбаидур илм, эй ўғлон,
Ҳамма хўбларни хўбин маскандир илм, эй ўғлон,
Ҳамма Ислом элини маснанидур илм, эй ўғлон,
Қўлингга бир кун муҳри сулаймонни берур мактаб,
Шаҳодатномаи фирдавси ғилмонни берур мактаб³⁹.

³⁹ Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: “Turon Iqbol”, 2010. - Б. 93.

(Мардикорнинг)

хотунига айтган сўзи

Яхши қол, эй муниси ғамхор, кўрсам-кўрмасам,
Эй кўзимнинг нури, пур анвор, кўрсам-кўрмасам.
Найлайин солди жудолиғ бошимизга каж мурод,
Зулфи сунбул, кўзлари хуммор, кўрсам-кўрмасам.
Айшимиз гулзорига ўт тушди барқи чархдан,
Маъзурам ман, эй гули беҳор, кўрсам-кўрмасам.
Елғиз уйларда рафиқи меҳрибоним сен эдинг,
Еру жоним, ҳамдаким, такрор кўрсам-кўрмасам.
Бул эмас эрди умидим, бошимга солди қазо,
Сабр этарсан, эй шакарғуфтор, кўрсам-кўрмасам.
Ҳеч душвор иш бўлурму бу жудолиқдан ёмон,
Хуш қол эмди, қайтадан дийдор кўрсам-кўрмасам.
Бир-биримизга муҳаббат риштасин боғлаб эдик,
Тоқатим йўқ ҳажринга, эй ёр, кўрсам-кўрмасам.
Кеча-кундуз фикру зикрим ой юзинг васли ўлур,
Кўзларим ё уйқу, ё бедор, кўрсам-кўрмасам.
Бир-биримиздан тирик золим фалак қилди жудо,
Айрилиб сандин ўлум бемор, кўрсам-кўрмасам...
Ман кетарман, сан қолурсан, айрилиб, Ҳижрон бўлуб,
Кўз ёшингин тўкма, эй дилдор, кўрсам-кўрмасам...

1916

Қизил байроқ

Қўлдаги қирмизи Қизил байроқ
Ишчи, меҳнат элига жоңдир бу!
Мустабидларнинг офати жони,
Бойларга қип-қизил зиёндур бу!
Тўпланинг, барча олам ишчилари,
Бу муқаддас қизил алам тубина!
Бойларга дарду ғам, жафою алам,
Оч кишиларга ош-нондур бу!
Ола байроқ замонини ўйланг,
Сиза онлар налар қилар эдилар?
Бир тўп инсонга бир боқишда боқир,
Муттафиқликқа! бир нишондир бу!
Зулм эли кўрса тоқати қолмас,

1 Муттафиқлик — иттифоқлик, ҳамфикр-лик.

Чунки аларга раҳмсиз боқадир.
Жумла мазлумларга муруват этар,
Камбағалларга меҳрибондур бу!
Маҳкам ушлов керак бу байроқни,
Чунки душманлар ҳамон қолишур,
Йиқитолмас қолишгон билан,
Душман аҳлига қаҳрамондур бу!
Камбағал аҳли, тўпланинг тагина,
На гўзалдир бу қирмизи байроқ!
Сарват аҳли қочар нечун тубидан!—
Онлара заҳарли чаёндир бу!
Мақсади Иштирокиюн йўлидур
Меҳнат аҳлининг роҳати жони,
Уюшинг, тўпланинг кўтармак учун,
Бутун оламга посибондур бу!

1918

Қизил матбуот

Ўзбек элин ўтмас қизил қалами
Олти йилда Олтой тоғин тебратди.
Хурофотлар қоплаганди бу элни,
Секин-секин туртиб-туртиб иргитди.
Эски қора кучлар билан курашиб,
Аллақанча янгилар ўрнатди;
Ғафлат босиб ухлаб ётган ёш юзга
Янги ҳаёт сувин сеппиб уйғотди.
Сафҳасида кенг йўл бериб ёшларга,
Эл қошида булбул каби сайратди;

Чордеворда ётган хотин-қизларга
Айта-айта ҳуқуқларини англади.
Қизил гулдек қизил юзларин очиб,
Кенг ҳаводан майдон бериб яйратди.
«Туркистон» «Зарафшон», «Фарғона»си
Эскиликнинг томирларин қақшатди.
Кўп иллатни абжақ қилди «Муштум»,
«Жобилға»га кўп кишини ўйнатди!..

1924

Авлонийнинг ижодида, шеърларида ўз замонасидаги айрим ота-оналарнинг фарзандига бўлган эътиборсизлигидан куюниб ёзган бўлса-да, лекин бугунги айрим ота-оналарга ҳам унинг шеърлари тегишли десак адашмаган бўламиз.

Абдулла Авлоний XIX аср рус мумтоз адабиёти вакиллари И.А.Крилов ва Л.Н.Толстойнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилгани маълум, жумладан, И.А.Криловнинг 21 та масали, “Ит ила йўловчи”, “Маймун ила кўзойнак”, “Ғайри жинсий иттифоқ”, “Тулки ила Қарға”, “Қарға ила Зағизғон”, каби асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, “Мактаб гулистони” китобида босилиб чиққан. Бу борада Ж.Шарипов “Мактаб гулистон” китобидаги таржималарини атрофлича таҳлил этиб, уларнинг сифатига ҳам юксак баҳо беради. “Абдулла Авлоний асл нусханнинг мазмунини, бадиий нафосати, чиройли образларини тўғри талқин қилиб, эҳтирос билан таржима этган”, - деган. Маърифатчилик ва ижтимоий мавзу Авлоний шеъриятида марказий ўрин эгаллайди. Шоир илм-фаннинг фазилятларини завқ билан куйлайди. “Мактаб”, “маориф”, “илм”, “фан” каби тушунчалар шоир шеърларида эзгуликнинг бетимсол рамзи, образи даражасига кўтарилади, “жаҳолат” ва “нодонлик” эса зулмат ва ёвузлик тимсоли сифатида талқин қилинади. Унинг педагогик қарашлари бугунги кунда ўзбек миллий мактабини яратишда муҳим аҳамият

касб этади. Авлоний ижодий меросини чуқур ўрганишга қизиқиш ортиб бормокда. Авлонийнинг маърифатпарварлик ва миллий уйғониш ғояларини қуйлаган дастлабки шеърлари ўзбек миллий уйғониш даври адабиётининг ҳамиша бебаҳо мулки бўлиб қолади. У бу туркумга мансуб шеърларида ўзбек мумтоз адабиётидаги шеърый шаклларни катта ижтимоий мазмун, маърифатпарварлик ғоялари, ҳажвий руҳ ва халқона оҳанглар билан бойитди. Абдулла Авлоний болалар учун ҳам бир қанча шеър ва масаллар ёзган. Шоир бу асарларида мактаб ёшидаги болаларнинг фикр доирасини кенгайтириш, уларда мактаб ва китобга, меҳнатга, табиатга, Ватанга муҳаббат уйғотишни мақсад қилиб қўйган. Унинг кўпгина шеърлари замирида Ватанни севиш ғояси ётади. Шоир бу шеърларида Ватанни содда ва самимий мисраларда тасвирлаганки, фақат ўша 10-йилларнинг ўрталаридагина эмас, балки бугунги мактаб 8 ёшидаги болалар ҳам улардан катта эстетик завқ олишлари мумкин. Дарҳақиқат, шоир Ватан таърифини бошлаб,

“Тоғларидан конлар чиқар,

Ерларидан донлар чиқар...

Ҳавоси ўта ёқумлик,

Чўллари бор тошлик, қумлик,

Тошканд эмас, тошқанд эрур,

Кесаклари гулқанд эрур”,

дея болаларда она диёрга катта меҳр уйғотишга эришади. А.Авлоний болаларга самимий фикрларини ўйноқи сатрларда тасвирлаш билан бирга, Ватан ва унинг қисмати билан боғлиқ жиддий мулоҳазаларни-да баён этади. Жумладан, “Ватан” номли шеърида она-юртнинг ноз-неъматлари, бойликлари таъриф-тавсиф этилади. Шу билан бирга, онадай азиз, мушфиқ гўша ҳақидаги қайғули нола янграйди:

Онамизсан! Бизнинг мушфиқ онамизсан!

Жавлон уриб яшайдургон хонамизсан!

Сени сотмоқ мумкинмидур, ўзинг ўйла,

Тилинг бўлса, ҳасратларинг тузук сўйла!..

*Сотиб-сотиб қоладурмиз ғамга ботиб,
Бойқуш каби вайронада ётиб-ётиб.*

Ватан ҳар бир кишининг туғулиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган жойини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу - Ватан ҳисси - туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар, бир ҳайвон ўз ватанидан - уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-роҳат яшамас. Маишати талх бўлур, ҳар вақт дилининг бир гўшаси ўз ватанининг муҳаббати турар.

Биз туркистонликлар ўз ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби, араблар Арабистонларини, қумлик иссиқ чўлларини, эскимулар шимол тарафларини энг совуқ қор ва музлик ерларини бошқа ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар эди, ҳавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз Ватанларини ташлаб ҳижрат қилурлар эди. Боболаримиз “Киши юртида султон бўлгунча ўз юртингда чўпон бўл”, демишлар.

*Мен айблик эмас, эй Ватаним, тоғларим,
Бевақт ташлаб кетдим ой, боғларим.
Ҳижрон қилодур мени жудолиғ,
Дўнди ғамга рўзу, шабу чоғларим.*

Ҳаммага маълумдирки, энг муқаддас диний еримиз ўлан Арабистонга боғларини, ҳавлиларини сотуб ҳижрат қилган ҳожиларимизнинг аксари яна ўз ватанларига қайтуб келурлар. Бунинг сабаби, яъни буларни тортиб кетурган қувват ўз ватанларининг туфроқларининг меҳру муҳаббатидур.

*Ватан, ватан дея жоним танимдан ўлса равон,
Банга на ғам қолур авлодима ую ватаним.
Ғубора дўнса ғаним, йўқ вужуд асри ваҳм,
Чароки ўз ватаним хокидур гўру кафаним,
Туғуб ўсан ерим ушбу Ватан вужудим хок,
Ўлурса аслина рожеъ бўлурму ман ғамнок⁴⁰.*

⁴⁰Раҳимова Н. “Абдулла Авлонийнинг педагогик рисоаларини ўқитишда интерфаол усуллардан фойдаланиш”. Бухоро. 2019. 12-13.

Маърифатчилик ва ижтимоий мавзу Авлоний шеъриятида марказий ўрин эгаллайди. Шоир илм-фаннинг фазилатларини завқ билан куйлайди. “Мактаб”, “маориф”, “илм”, “фан” каби тушунчалар шоир шеърларида эзгуликнинг бетимсол рамзи, образи даражасига кўтарилади, “жаҳолат” ва “нодонлик” эса зулмат ва ёвузлик тимсоли сифатида талқин қилинади. Жумладан, “Мактаб” шеърида шундай таърифланади:

*Мактабдур офтоби жаҳон саодатинг,
Мактабдур осмони замон сабоватинг.
Мактаб у жойи дилкаш ширин мақомдур,
Мактаб беҳишту жаннат ҳур табиатинг.
Мактаб дилингга соч-уси илму фунунни,
Мактаб зиёда қилғучидир ақлу ҳикматинг.
Мактаб қўлингни тутдими, бошлар ҳидоята,
Мактаб раису раҳбаридур дин, миллатинг.*

Абдулла Авлоний “Илм” шеърида эса илмга бундай таъриф беради:

*Илмдур икки жаҳон манзилининг аълоси,
Илмдур икки жаҳон маснадининг болоси,
Илмдур икки жаҳон роҳатининг маъвоси,
Илмдур икки жаҳон шавкатининг барпоси,
Яшамак истар эсак, илма равон ўлмалиюз.
Илмсиз қолсак, асоратга нишон ўлмалиюз⁴¹.*

Мумтоз адабиётимизда минг йиллардан бери ишланиб келган гул, булбул, ёр, ағёр, май, чарх каби образлар, Авлоний ижодида бошқача оҳанг, бошқача мазмун касб этади. Шоирнинг “Таърифи гул” шеърида гул анъанавий маъшуқа эмас, бу ерда беихтиёр хор, золим истибдодини, баҳри қон гул эса жафокаш халқни эслатади. Абдулла Авлоний тасвирлаган гул образи меҳнаткаш халқ

⁴¹ Авлоний Абдулла. Аҳволи оламдан бир намуна: (Мардикорнинг) хотунига айтган сўзи: [Шеърлар]. Гулистон. - 1978.-№7.-Б.10-11.

тушунчасига яқиндир. Жумладан, шоир шеърлари орасида “Садойи булбул”, “Ҳижрони булбул”, “Ғиғони булбул” каби шеърлар бор. Булар ҳам аксарият холларда гул (маъшука) ишқида ёниб ўртанаётган ошиқ эмас, кўп ўринларда мазлум Туркистонга қарата: “Уйғон”!-деб бонг ураётган лирик шоир образини ифодалайди.

Қўнуб гул шоҳига булбул дер:

Эй инсонлар, инсонлар!

Қилурсиз тобакай ғофил ётиб,

афгонлар, инсонлар.

(“Садойи булбул” шеъридан)

Кеча-кундуз қафасда, оқ гул, деб айлаюр фарёд,

Омон бермас анга золим қафас, озор ўлур булбул.

(“Ҳижрони булбул” шеъридан)

Абдулла Авлонийнинг “Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи Ислом” асари ҳам мавжуд. Ушбу асар бошланғич мактабларнинг ўқувчиларига мўлжалланган. Бу асар биринчи марта 1910 йилда Мунавварқори томонидан Тошкентда Ильин босмахонасида босилган. Мустақиллик йилларида эса Зокирхон Афзалов Шокирхон ўғли томонидан 1994 йилда “Фан” нашриётида чоп этилган. Рисолада Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломгача ўтган пайғамбарларнинг қиссалари ва зухури ислом зикр этилган. Ислом тарихи фанида пайғамбарлар тарихи, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаётлари ва Ислом дини тарихи, шунингдек, илк халифалик даври тарихи уч босқичда ўрганилади. Насируддин Рабғузийнинг “Қиссайи Рабғузий”, Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарлари пайғамбарлар тарихига оид бўлса, Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий”си иккинчи ва Ризоуд-дин ибн Фахруддиннинг “Хулафои рошидин” асари учинчи даврни ўз ичига олади. Абдулла Авлоний асари мана шу уч даврни мужассамлаштирган. Адибнинг асосий кўзлаган мақсади миллат келажаги бўлган болаларни бошланғич синфданоқ қисқача бўлса-да Ислом тарихи билан таништириш, диний маърифатларни ошириш, уларнинг

қалбларига иймон нуруни сингдириш бўлган. Абдулла Авланийнинг бу асари таҳсинга сазовордир.

Бугунги ўзбек педагогикаси, дидактикасини Абдулла Авланийнинг самарали меҳнатларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ушбу жиҳатдан адиб ижодий мероси таълим босқичларида узвийлик ва узлуксизлик асосида ўқитилади. Адиб ўзининг педагогик қарашларида ҳам, бадиий-публицистик асарларида ҳам, аввало, инсоннинг руҳий-маънавий камолотини тарбиялашни устувор деб билади. Инсоний фазилатлар, одамийлик сифатларини улуғлайди, яхшилик, эзгуликни, илм-маърифатни тарғиб қилади. Абдулла Авланий ахлоқни барча хулқлар мажмуи деб таъкидлайди. Хулқ эса, кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Инсон фитрати пок туғилади, унда ёмонликларга ҳавас бўлмайди, ўсиб-улғайиши жараёнидаги оилавий муҳит, таълимий шароит, жамият таъсирида феъл-атвори шаклланиб, ўзгариб бораверади.



Авлоний қарашларига кўра, ахлоқ тарбияси хусусий иш эмас. Бу тарбия ижтимоий жараён. Ҳар бир инсоннинг тарбиясига бутун жамият масъул бўлиши лозим. Халқлар, миллатларнинг тараққий қилиши, давлатларнинг қудратли бўлиши кўп жиҳатдан ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига чамбарчас боғлиқ бўлади. Авлонийнинг маънавий-маърифий ғояларида яхшилик муҳим ўрин тутди. Адиб яхшиликни энг улугъ фазилат ҳисоблайди, инсонларни бир-бирларига яхшилик қилишга даъват этади. Бу борада ўзи ҳам ибрат бўлади. Хусусан, аллома аҳолининг билим-маърифатини ошириш мақсадида ўз бойлигини янги мактаблар, театр труппалари очишга беминнат сарфлайди, газеталар чоп эттиради. Ўз хулосаларни шундай ифодалайди: Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон, Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён. Яхши сўз бирлан илон индан чиқар, Сўз ёмон бўлса, пичоқ қиндан чиқар. Авлоний маънавий-ахлоқий таълимотида сахийлик, раҳм-шафқат, хушфеъллик, хушмуомалаликни тарғиб этиш ҳам юқори ўрин тутди. Адиб буларни энг яхши инсоний фазилатлар ҳисоблайди. Сахийликни олқишлаб, ушбу ҳислат инсонга олқиш мушарраф этишини қуйидаги воқеа мисолида баён этади: Саид мактабга кетаётганда йўлда бир кишини учратади. У киши дейдики: —Ўғлим, икки кундан бери очман, таом олиб ей десам, устимдаги йиртиқ чакмондан бошқа ҳеч нарсам йўқ,- дейди. Саид фақирнинг ҳолига раҳми келуб, атоси берган ўн тийин пулни фақирга берди. Фақир офарин қилуб, йиғлай-йиғлай дуолар қилуб кетди. Саид уйига борган замон қилғон ишини отасига сўзлади. Отаси ҳам —сахий Саидим, деб хурсанд бўлиб, дуо қилди ҳам бундан сўнг Саидга ҳар куни йигирма тийиндан берурға ваъда қилди, уни олқишлади. Ушбу ҳикояча қанчалик ихчам ва содда бўлмасин, унда адибнинг хайру-саховат, яхшилик борасидаги маънавий қарашлари мужассамлашган⁴².

⁴² Республика маънавият ва маърифат маркази. “Жамият тараққиётининг асоси маърифатдир” республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Хоразм. 2019. –Б. 84-85.

III. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ХАЙРИЯ ВА ҲОМИЙЛИК СОҲАСИДАГИ ТАШАББУСКОРЛИГИ

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Абдулла Авлониёв 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаблар очди. Мактаблардаги ўқув асбоб-жиҳозларини ўзгартирди, ўз қўли билан парта ва доскалар ясади. Мактабга қабул қилинган болаларнинг асосий қисми камбағал кишиларнинг фарзандлари бўлганлиги учун улар таъминотини яхшилаш мақсадида “Жамияти хайрия” ташкил этади ва бу жамиятга ўзи раислик қилади. Жамият ташкил қилинган, Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби ҳуқуқшунослар томонидан жамиятнинг 41 моддадан иборат низоми ишлаб чиқилган⁴³. Аҳамиятли жихати шуки, “Жамияти хайрия” ташкилотининг асосий вазифалари қаторида аҳолининг барча қатламларини ўқитиш учун мактаблар ташкил қилиш, камбағал болалар ва етимларга ҳомийлик қилиш, турли меҳрибонлик уйлари ташкил қилиш, талабаларга ёрдам кўрсатиш белгиланган. Манбаларда келтирилишича, жамиятнинг ҳақиқий аъзолари йилига 6 р., аъзо-ходимлар эса 1 р. 50 коп. тўлаган. 1910 йил 1 июлга кўра жамият аъзолар сони 300 га яқин бўлган. Ўша вақтда жамият маблағи 4000 р. дан ошган. Дастлабки ташкил қилинган пайтда 500 р. гача сарфланган ва камбағалларга 200 р. берилган. Нафақалар миқдори 2 р. дан 5 р. гача, ўқувчиларга эса ўқитувчиларга таълим учун тўлашларига ойига 50 коп. берилган⁴⁴. Жамият талабаларни чет элларда ўқитиш ишларига ҳам ҳомийлик кўрсатган. Унинг кўмагида ёшлар Россия империясининг Петербург, Саратов, Қозон, Уфа, Оренбург шаҳарларидаги олий мактаб ва мадрасаларига, шунингдек, Истанбул, Қоҳира каби хорижий шаҳарлардаги дорилфунунларга ўқишга жўнатилган. Масалан, 1910 йилда бу жамиятнинг ёрдами билан бир гуруҳ ёшлар Уфадаги “Олия” Оренбургдаги “Хусайния” (1890)⁴⁵ мадрасаларида ўқиган. Маърифатпарвар жаҳид нафақат илм, дарс, маориф ишлари билан

⁴³ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 22-23.

⁴⁴ Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типо-лит. О.А. Порцева, 1912. – С. 520.

⁴⁵ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 102

балки мухтож, ғариб, ночорларга ёрдам бериш, ёшларни маърифатли қилишда хорижга ўқишга юбориш учун кўмаклашиш каби хайрли ишлар билан ҳам шуғулланиб, жамият ташкил этганлигини унинг кўп қирралик шахс бўлганидан далолат беради.



Шунингдек, “Жамияти хайрия” ўлка ҳудудидаги ночор, мухтож муслмонларнинг моддий-маънавий аҳволини яхшилаш, жумладан, етимлар, кексалар, ногиронлар учун касалхона, амбулатория, чойхона, ошхона, ётоқжойлар очишдан тортиб, ёшларни мактабда ўқитиш, сўнг олий таҳсил учун чет элларга юборишгача бўлган масалаларни ҳам мақсад қилган эди⁴⁶. Таъкидлаб ўтиш жоизки, “Жамияти хайрия”нинг Тошкент ҳаётида муҳим ўрин тутгани ҳақида М.Абдурашидхоновнинг “Танланган асарлари”да кенг тўхталиб ўтилган. Унда келтирилишича, “... Бу иттифоқнинг натижаси ўлса керакки, Тошкент жамияти бу йил бутунлай бошқа тусга кирди. Уйқудан уйғониб, кўзларин укалаб, атрофга назар сола бошлади. Қонунида зикр қилинган моддалардан бирин-бирин фойдаланмакка шуруъ қилди, бошлаб бир неча йилдан бери қарор берилубда очилмай ётган “Дорул ожизин”ни расман очуб, бир неча мискин ва ожизларни тарбияга олди. Бир неча мактаб ва мадрасаларга юз сўм ва икки юз сўмлаб ионалар берди. Бир неча бева ва бечораларга ойлик

⁴⁶ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 28.

ионалар бермакда ва олтмиш қадар фақир ва қашшоқ болаларни турли мактабларда ўқитиб тарбия қилиб турмакдадир”⁴⁷.

Таъкидлаш жоизки, жамият халққа ҳомийлик қилиши билан бирга ўзининг бюджетини ҳам муттасил бойитиб бориш йўлларини излаган. Яъни, М.Абдурашидхоновнинг ушбу асарида келтирилишича, жамият аъзолари томонидан тўпланадиган бадал пулларида ташқари пул топишнинг янги йўллари излаб, даставвал “Грамофун общество”да куйлашиб, ҳар бир пластинкадан ўн тийин олмоқ шарти билан бир неча ҳофизлар ва ўз тарбиясидаги мактаб шогирдларининг товушин (қўшиқлари) сотиб, бундан фақат шу йилнинг ўзида икки минг сўм топиши мўлжалланган⁴⁸. Шунингдек, “Ойна” журналининг 21-сонида босилиб чиққан мақолага кўра, театр мудир Ақобир Мансурийнинг ҳисоботида, самарқандлик театр ҳаваскорларининг “Падаркуш” драмасининг намоиш этилишидан тушган 1331 сўм 50 тийиннинг 727 сўм 10 тийинини турли хил харажатларга, 604 сўм 40 тийинини эса “усули жаид” мактаби фойдасига ўтказилгани қайд қилиб ўтилган⁴⁹. Жамият маблағини кўпайтиришнинг яна бир йўли сифатида шаҳардаги боғлар ва одамлар гавжум жойда театр томошаларини ўтказиш натижасида маблағларни тўпланган. Масалан, “...августнинг 8-куни рамазон муносабати ила Шайх Хованди Тохур боғида бир мартаба “Томоша кечаси” ясади, ушбу томоша кечасининг даромад ва буромади ушбу тариқа бўлди. Мусулмонлар тарафиндан биринчи мартаба ясалган ушбу томошалар жамиятга фақат моддий жиҳатдангина фойда келтуруб қолмай, балки маънавий жиҳатдан ҳам кўп фойдалар келтурди”⁵⁰. 1903 йилда “Жамияти хайрия” фойдаси учун театр ташкил қилиниб, 966 р. тўпланиб, 313 р. театр труппасига, 589 р. жамиятга топширилган⁵¹. “Туркистон” музейи якшанба куни 11 дан 2 гача, жума куни 10 дан 12 гача ташриф буюрганларга бепул бўлган⁵². Жамият раҳбари сифатида

⁴⁷ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 149.

⁴⁸ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 149.

⁴⁹ Шарипов Р. Туркистон жаидчилик ҳаракати тарихидан. – Тошкент: Ўқитувчи, 2002. – Б. 27.

⁵⁰ Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 150.

⁵¹ Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете “Таржуман”(1883-1917). Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011. - С. 206.

⁵² “Туркестанские ведомости”. № 3164. 21 июнь, 1908.

дастлаб 4 ой (айрим манбаларда 6 ой) давомида Абдулла Авлоний фаолият юритган ва кейинчалик нуфузли тошкентлик бой Саидкаримбой Саидазимбоев бошқарган⁵³. Таниқли жаид намоёндаларидан Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Сўфизода, Сиддикий Ажзий каби маърифатпарварлар томонидан амалга оширилган беғараз ёрдам, қулайликлар, имкониятлар маҳаллий аҳоли учун Туркистон тарихида, унинг ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида жуда катта таянч вазифани бажарди⁵⁴.

Абдулла Авлоний ёдгорлик музейи ҳақида

Авлоний ёдгорлик музейи (Зиё кўчаси, 6) – дастлаб 1968 йил ташкил этилган. Бу уйда 1910–1934 йилларда А.Авлоний яшаган. Ўзбекистон китобсеварлар жамияти ташаббуси билан 1988 йил декабрда Авлоний уй-музейи номи билан расмий равишда очилган. Кейинчалик музей А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институти биносига кўчирилган ва 1993 йил 26 декабрда Авлоний ёдгорлик музейи номи билан очилган. Музейда жами 650 дан ортиқ экспонат бор. Музей ёдгорлик ва адабий бўлимлардан иборат. Ёдгорлик бўлимида Авлоний яшаган турмуш шароити, шахсий буюмлари, ўзбек ҳамда рус тилларидаги китоблар сақланмоқда. Адабий бўлимда Авлонийнинг педагогик, маърифатпарварлик, журналистик, театр ва адабиёт соҳасидаги ҳамда ижтимоий фаолияти билан боғлиқ фотосурат, ҳужжатлар, китоб ва журналлар мавжуд⁵⁵. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек театр томошалари ва бошқа жойлардан тушган маблағлар билан янги усул (“Усули-жаид”) мактаблари очилди, унда маҳаллий аҳоли фарзандлари нафақат ўқиш ва ёзишга, балки консерватизм ва мутаассибликдан холи янги дунёқарашни шакллантиришга қаратилган эди.

⁵³ Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. - Тошкент: Akademnashr, 2011. – С. 263.

⁵⁴ Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи. Тошкент “INNOVATSIYA-ZIYO” 2019. –Б. 67.

⁵⁵ “Тошкент” энциклопедияси. 2009 йил

Ойбек уй-музейи пойтахтимизда эҳлоқий ва меҳмондорлик учун муносиб Янги йил совғаси тайёрланди. Тошкентдаги Саперлар кўчаси, 74-уйда музейнинг коллекциясининг ташаббуси ва беэсватия ташаббуси билан соҳибдорларнинг даргаларидан бири бўлган Абдулла Азизий ҳаёти ва иқоди қаққиде ҳикоя қилувчи янги адабий-монументар экспозиция ташкил этилди. Қўрғазма мулаққаб — Ойбек уй-музейининг қатъий ҳаёлий ҳодиси. Шунинг билан, Экспозиция бозорчи ишлари ефессома бадий комбинатининг мусаавари Борис Мавзевек томонидан амалга оширилди.

Бахтин қарангич, Авлонийнинг архиви
омон экан. Адидиннинг фарзандлари
Керима опа, Ҳасима опа ва Кенжа ака-
лар мингдан ортиқ ноёб экспонатларни
шу кутупхона қуларимизга қадар етказиб
қилибдилар.

Уй-музей экспозициясида Абдулла Ав-
лоний жодхонасини зиёрат қилиш би-
лан бошланади. Аср бошидан то 1934
йилга қадар бу ҳонада Низомиддин Ҳў-
жаев, Маннон Уйғур, Сидқий Рухилло

Авлоний ижодхонасини кўздан кечи-
рар экансиз, бу зотнинг ниҳоятда сода-
дига, батахтис, пухта одам бўлганига
ишонч ҳосил қилди. Оддий, лекин
кулеғинга стол ҳиссага бир неча китоб,
эзув анжомлари, чойнак ва пилла ту-
рибди. Жавон ва сандиқларда қўзғаб
ноиб китоблар, қозқанда эс адбининг
кийимлари. Бу ерда ялоқхон Жавонда
Авлоний асвларининг қўлбўжлари
ҳам соқланоди.

Меморан холадан кейин иккинчи элга чиқиб адиблар экспозицияни куради. Бу элга келганда уларнинг кўпчилиги вақтга ва феолиятнинг нима сифарида эканлигини билмади. Бу элга келганда кўпчилиги асосинларидан биринчи, «Адиблар феолияти» деган асарни ва мукаббидики деб атланич мавзулар билишди. Бу элга келганда кўпчилиги асосинларидан биринчи, «Адиблар феолияти» деган асарни ва мукаббидики деб атланич мавзулар билишди. Бу элга келганда кўпчилиги асосинларидан биринчи, «Адиблар феолияти» деган асарни ва мукаббидики деб атланич мавзулар билишди.

Ушмузейнинг кейинги залидаги кўра-
засида «Авлоний» театри, «Авлоний»
нинг Улуغ Октябр» ички соҳадан кейин-
ги феолияти каби мавзуларга бағиш-
ланган. Экспозиция «Авлоний» ва «Амо-
намиз» деб номланувчи бўлим билан
кўюнади. Бу бўлимлардаги нобъ
фотохужжатлар, ҳар хил муҳралар бил-
ан тасдиқланган нодир буюмлар
Абдулла Авлоний босиб ўтган ҳаёт ва
ижод йўли муқад-
дасига бағиш-
ланган бўлиб кўрсатиб турган.

— Аэлоний таваллудининг 110 Ангилли муносабати билди унинг уй-музейи ташкил этилганлиги маданият ҳаёти-мизда катта қодисидир,— дейди уй-музейи директори Саватининг вайси, профессор Бегали Қосимов. — Бу макан ёш аялдо тарбияси ишда партиянинг энг яқин кўмакчиларидан бири бўлиб қолгани шубҳасиз. Энди уй-музейидаги ҳамак музени дарамакни тақдир этиш лозим. Токм бу даргоҳда сарла-навтган юзлаб ноёб экспонатлар ишончи қўлларда сақланган.

Асосли фикр. Ойбаёх уй-музейи коллектив ҳам бу тақдирини қўллаб-қувват-лайди.

Уткир ЕРМУХАМЕДОВ,
Ойбак уй-музейининг директори.

Янгил жыл арасида пойтахт-
та яна бир медресани ва
самъат даргоҳига бойиди.
Тошкентликлар яхши маълум
булган Миробод маҳалласида,
Саперлар кўчасидаги 74-уйда
Октябр инкилоби арасидада
дабистей майдонига кириб
келган маърифатпарвар шoir —
искoнoр шeр'ияти, таъли-
мий-ахлоқий асарлари мада-
ниятияти тарихида салмоқдор
урин эгаллаган Абдулла Авло-
нийнинг уй-музейи очилди.

Маълумки, адиб бу уйда
узоқ йиллар яшаган ва ижод
қилган. Тақдири шу маҳалла
билан чамбарчас боғланган. У
«Таржиман ҳоли»да «Миробод-
да «усули жаиди» мактаби
очиб ўқитувачилик қиле
бошладим. 1905 йилги

инкилоб ҳаракати таъсири натижасида сиёсий маслак ва мақсадларда тушуна ва ўргана бордим. 1907 йилда «Шўҳрат» исмили газета чиқардим. 10-сон чиққан, эски ҳукумат маъмуриялари уйимни, идорам

ни тинтув қилиб, газета чинармасга имзо олди» деб бугун эди. Бу уй нафақат эзган тарихий воқеаларнинг гувоҳи сифатида, балки Абдулла Авлонининг уш қўли билан тиклаган иморат сифатида ҳам қадрлидир. Шунинг учун у Узбекистон ССР Маданият, министрилиги, республика Кичик соҳаблари кўнгилли жамияти Тошкент шаҳар ташкилоти ва Ойбек уй-музейи ҳодимлари ташаббуси билан уй-музей

Уй-музей очилишига бағиш-
ланган йиғилишни Тошкент
Давлат университети профес-

сори, А. Авлоний ижоди тадқиқчиларидан бири Беғали Қосимов қисқача кириш сузи билан очди. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Мухаммад Солиҳ, 40-мактаб директори Лутфулла Саддуллаев, шоир Маъруф Жақил, Миробод маҳалла комитетининг раиси Абдукаюм Маъдиев ва бошқалар Ўйингаларни улуғ ғайратлар билан адаб номидоғи уй-музейи очилиш билан кутгалди. Ўқувчилар шоир шеърларидан ўқиб бердилар. Шундан кейин М. Солиҳ лентани қирқди ва тўп-ланганлар уй-музейини томоша

қилдилар. Музейга адабнинг ҳаёти ва ижодига оид суратлар, ҳужжатлар қўйилган, асарлари ўрин олган. Айниқса, шоир ижодхонаси унинг ўзи шаған давр руҳида безатилган.

Бу йил шоир хотирасига бағишлаб Тошкент Давлат университети, Низомий номидаги педагогика институти, республика Рус тили ва адабиёти институти, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида йиғилишлар ҳамда илмий конференциялар ўтди.

Авлоний ижодининг бугунги қайта қуриш даврига гоят мос келадиган янги қирралари кашф этилди.

ондарё область Жар-
районидагы «Сурхон»
меҳнаткашларининг
си билан ташкил
«Сурхон» номли му-
Шарқ юлдузи» жур-
кифаларида эълон
н ва ўқувчилар то-
илиқ қаршиланган

асарларга ҳар йили бериб
борилади. Журнал таҳрир
хайъати 1988 йилда шу му-
кофотни Ўзбекистон ССР
халқ ёзувчиси Пиримқул Қо-
дировга «Авлодлар довоғи»
романи, ёзувчи Шукур Хол-
мирзаевга ҳикоялар турку-

ми, шоира Қутлибека Раҳим-
боевага «Нишининг охирали»
достони, танқидчи Раҳмон
Қўчқоровга «Қўш роман ва
айрича қарашлар» мақолиси
ҳамда Дадаҳон Нурийга
«Бўстониқни қўтқаринг!»
очерки учун беришга қарор
қилди.



АВЛОНИЙ МУЗЕЙИ

Инқилоб йиллари яшаб, ижод этган йirik маданият ва санъат арбоби, моҳир педагог, истеъдодли шоир ва драматург Абдулла Авлоний таваллуд топганининг 110 йиллиги муносабати билан куни-кеча Тошкентдаги Саперлар кўчасида у яшаган уй-музейининг очилиш маросими бўлди. Ўзбекистон ССР Маданият вақфларининг, республика китобсаварлар жамияти ҳамда Ойбек уй-музейи ходимларининг ташаббуси билан ташкил этилган экспозицияни яратишда адабиётшунос олим Шухрат Ризаев жонбозлик кўрсатди.

Музей очилишида А. Авлоний номидаги 40-мактаб ўқувчилари, маҳалла фаоллари, турли маданият муассасаларининг вакиллари, адабнинг фарзандларидан Кенжа Авлонов, Ҳакима ва Карима Авлоновалар иштирок этти.

Юбилей комиссиясининг раиси, филология фаилари доктори Бегали Қосимов, Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правленесининг секретари Муҳаммад Солиҳ ва шоир Маъриф Жалил, 40-мактаб директори Лутфулла Саъдиев сузга чиқиб, таниқли алломанинг ҳаёти ва ижодий йўли ҳақида гапирдилар. Ўқувчилар А. Авлоний шеърларидан ёд ўқиб бердилар.

Музей тўрт хонадан иборат бўлиб, кичкина кириш залидан бошланади. Ундаги экспонатлар адабнинг бутун фаолиятидан қисқача маълумот беради. Иккинчи зал ўзига хос жиҳозланган бўлиб, у шоирнинг ижодхонасидир. Учинчи ва тўртинчи хоналари эса ёзувчининг босиб ўтган ижодий йўлини изоҳловчи, етти қисмдан иборат алоҳида-алоҳида стендлар ташкил этади. Учинчи залда «А. Авлонийнинг ҳаёти ва фаолияти», «Янги ўзбек педагогикасининг асосчиси», «Матбаачилик ва муҳаррирлик фаолияти» каби экспонатларни унрагсан, тўртинчисиди «А. Авлоний театри», «Қўлёмаларининг вазмунаси», «Улуғ Октябрдан кейинги фаолияти», «А. Авлоний ва замонамиз» деган стендларни кўздан кечириш мумкин. Янги музей А. Авлоний фаолиятини кенгроқ ўрганишга ёрдам беради.

К. СУЛТОНОВА,

Тошкент давлат университети студенти.

СУРАТДА: музей залларида.

Р. ЖУМАНИЕЗОВ фотоси.

АВЛОНИЙ УЙ-МУЗЕЙИ

«Садоий Туркистон» газетасига муҳаррирлик қилгани, биринчи ўзбек театрининг тамал тошини қўйишдаги иштироки ҳақидаги фактлар келтирилган. У 1913 йилдаёқ «Турон» труппасини ташкил қилиб, спектакллар қўйди. 1914 йилда озарбайжонлик машхур ҳофиз Сидқий Рухилло билан бирга лида «Лайли ва Мажнун» операсини сахналаштирди. Эски шаҳарда босмаҳона ва китоб дўкони ташкил этди. Касаба союз ҳаракатига бошчилиқ қилиб, «Касаба союз иши», «Касаба союз ҳаракати» нашрларига муҳаррир бўлди. Авлоний РСФСРнинг Хиротдаги бош консули сифатида афгон халқи билан дўстлиқни мустақкамлашга ҳисса қўшди. Узбеклар ичида биринчи бўлиб профессор унвонини олди. «Иштирокию» (қозирги «Совет Ўзбекистони») газетасининг биринчи муҳаррири бўлди. Биринчи бўлиб «Коммунистик партия манифести»ни ўзбек тилига таржима қилди.

Музей залларига ўрнатилган турли фотосуратлар, стендлар, китоблар, қўлёмалар, газета-журналлардан олинган парчалар Абдулла Авлоний ҳаётидан ҳикоя қилади.

Уй-музейи тўрт хонадан иборат бўлиб, кичик кириш хонасидан бошланади. Бу ердаги экспонатлар адаб фаолиятидан қисқача маълумот беради. Иккинчи хона эса унинг ижодхонаси. Хонадаги барча жиҳозлар Абдулла Авлоний пайтида қандай жойлашган бўлса, ўшандайлигича қолган. Қадимий стол устида портфель, чойнак-пиёла, китоблар турибди, лампа чироқ хира нур сочади. Кейинги хоналарда алло-

ли ижод намуналари қолдири. Бугунги кунда халқимиз унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Қўчалар, мактаплар, маҳаллаларга Абдулла Авлоний номи берилган. Ленинградда чоп этилган «Ўзбекистон шоирлари» тўпламида унинг шеърларидан намуналар бор. Фафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти шоирнинг танланган асарларини босиб чиқарди. ТошДУ студентлари ва аспирантлари учун Авлоний номидаги иккита стипендия таъсис этилган. Унинг 110 йиллигига бағишлаб илмий-амалий конференциялар, адабий кечалар уюштирилди.

Абдулла Авлоний уй-музейи ташкил этилганлиги республикамиз маданий ҳаётида, шубҳасиз, катта воқеа бўлди. Бу ишда адабнинг қизлари Ҳакима ва Карима, ўғли Кенжа Авлоновлар, юбилей комиссиясининг раиси, авлонийшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев, Ойбек уй-музейи директори Уткир Ермухамедов жонбозлик кўрсатди.

Уй-музейдаги экспонатлар янада бой ва мазмундор бўлиши мумкин эди, — деди алломининг фарзанди, уй-музейининг жамоатчи директори Ҳакима Авлонова. — Айни пайтда отамизнинг фаолиятига боғлиқ 60 ден ортқ ҳужжат М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда. Шулар ҳам ўзимизга қайтарилса, Авлонийни таниган, билган кишилар ўзларида сақланётган китоблар, қўлёмалар ва фотосуратларни келтириб беришса, музей янада бойир эди.

Ш. МИРҲАБИВОВ.



IV. АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ ИЛМИЙ ҚАРАШЛАРИ ВА БУ БОРАДАГИ ФИКРЛАРИ

- Энг ёмон кишилар илмга амал қилмайдиган кишилардир. Агар тарбия қилувчи муаллим олим бўлиб амалсиз бўлса, бу шогирдлар ахлоқиға ёмон таъсир кўрсатади.
- Тарбия-педагогика, яъни бола тарбиясининг фани демакдир.
- Боланинг саломат ва саодати учун яхши тарбия, танни пок тутмоқ, ёш вақтида маслакни тузатмоқ, яхши хулқларни ўргатмоқ табиблардек кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилғони каби тарбиячи боланинг вужудидаги жаҳл марказига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан бериб катта қилмоғи лозимдир.
- Тарбияни туғилган кундан бошламоқ, вужудимизни қувватлантирмоқ, ахлоқимизни кучлантирмоқ, зеҳнимизни ривожлантирмоқ лозим.
- Керак тарбият ёшликдан демак, Улуғ бўлса лозим келур ғам емак.
- Туғиб ташлаш билан бўлмас бола, бўлғай бало сизга, Вужуди тарбият топса бўлур ул раҳнамо сизга Темирчининг боласи тарбият топса, бўлур олим, Бузилса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.
- Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери такрор қилиниб келинган, муаллимларнинг диққатларига суянган, виждонларига юкланган вазифадир. Фикр инсоннинг шарофати, ғайратли бўлишига сабаб бўлади. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига шу даражада муҳтождирки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир. Дарс билан тарбия орасида бир оз фарқ бўлса ҳам иккиси бир-биридан айрилмайдиган, бирининг вужуди бирга боғланган жон ила тан кабидир.
- Инсон ақл ва идрок соясида ўзига келадиган зарар ва зулмлардан сақланур.
- Агар ақлингнинг кўли нафсингни жоловини ушласа, сени ёмон йўлларга кирмоқдан сақлар.

- Ҳар нарсa кўп бўлса, баҳоси арзон бўлур, ақл эса илм ва тажриба соясида қанча кўпайса, шунча қимматбаҳо бўлур.
- Ер юзидаги ҳайвонларни асир қилиб бўйнидан боғлаб, инларини учини қўлларига берган инсонларнинг ақлидир.
- Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бири-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон ила тан кабидур.
- Илм инсонларнинг мадори, ҳаёти, раҳбари, нажотидур. Илм инсон учун ғоят олий ва муқаддас бир фазилатдур. Зероки илм бизга ўз аҳволимизни, ҳаракатимизни ойна каби кўрсатур. Зеҳнимизни, фикримизни қилич каби ўткур қилур.
- Савобни гуноҳдан, ҳалолни ҳаромдан, тозани мурдордан аюруб берур. Тўғри йўлга раҳнамолик қилиб, дунё ва охиратда масъул бўлишимизга сабаб бўлур⁵⁶.

⁵⁶ Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси. Маърифатпарвар шоир. Тошкент-2003. –Б.11-13.

V. АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ҲАҚИДАГИ ХОТИРАЛАР

Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот—ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир”, - деган сўзлари ҳар бир мактаб биносига ёзиб қўйилиши шарт.

Ш.Мирзиёев

Мен Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот—ё ҳалокат, ё саодат—ё фалокат масаласидир”, - деган фикрини мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

И.Каримов

Абдулла Авлоний асл нусханинг мазмунини, бадиий нафосати, чиройли образларини тўғри талқин қилиб, эҳтирос билан таржима этади... Абдулла Авлоний таржималаридаги ажойиб фазилатларни айтган билан адо бўлмайди.

Ж.Шарипов

Абдулла Авлоний ўзининг бутун куч-қуввати, ижоди, умрини ўз халқининг бахт-саодати йўлига нисор этди. Мана шу маънода Авлоний сиймоси, Авлоний фаолияти биз учун ғоят қадрлидир.

Б.Қосимов, У.Долимов

Абдулла Авлоний ҳамиша ўз халқига, Ватанига содиқ қолди. Бунинг гувоҳи – унинг ижоди, унинг фаолияти! У ҳамма вақт халқ дарди билан яшади. У ўз халқи ғамига ҳамдардгина бўлиб қолмади, унинг истиқболи учун қайғурди, унга озодлик ва бахт қидирди, уни муқаддас ғоялар учун қуршга даъват қилди.

Б.Қосимов

Гоявий-бадий жиҳатдан етук асарлар яратган Авлоний, ҳақли равишда айтиш мумкинки, ўзбек драматургиясида комедия жанрининг яралиши ва ривожланишига улкан ҳисса қўшган адибдир.

Х.Азимова

Домла илк ўзбек драма театрини ташкил этганлар. 1914 йилда дастлабки ўзбек драма труппасини тузиб, Бехбудий, Абдулла Қодирий ва бошқа ўзбек, озар, тотор муаллифларининг драмаларини сахнага олиб чиққанлар, ўзлари ҳам бош ролларни ўйнаганлар.

З.Эшмуродова

Авлонийнинг педагогик қарашлари бугунги кунда ҳам ўзбек миллий мактабини яратишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис унинг ижодий меросини чуқур ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда.

М.Раҳимов⁵⁷

Абдулла Авлоний бобомиз таъкидлаганидек, “Фикр агар яхши тарбият топса, ханжар, олмосдан ўткир бўлур”. Зиёли ва илғор фикрли боболарини таниган, уларнинг пурмаъно асарларини ўқиган авлоднинг ғурури баланд, фикрлари учкур бўлиб аجدодларига муносиблик ҳисси билан улғаяди.

А.Умаров.

⁵⁷ Алишер Навоий Номидаги Ўзбекистон Миллий Кутубхонаси. Маърифатпарвар шоир. Тошкент-2003. –Б. 13-15.

VI. ЖАДИД МАЪРИФАТПАРВАРИ ҲАЁТ ЙЎЛИ ВА ФАОЛИЯТИНИ ЎРГАНИШ ҲАМДА ХОТИРАСИНИ АБАДИЙЛАШТИРИШ МАҚСАДИДА ЎҚУВЧИ ЁШЛАРГА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Абдулла Авлонийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети мисолида

Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чоратадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августда № 502 сонли Қарори қабул қилинди. Унга кўра, Ёшлар, шу жумладан талабалар ва ўқувчилар ўртасида атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, уларнинг адабиётга қизиқишларини янада ошириш, рағбатлантириш, шунингдек, Тошкент шаҳрида барпо этилган Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш мақсадида Адиблар хиёбонида ҳайкаллари ўрнатилган атоқли ёзувчи ва шоирларни ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича олий таълим муассаларига бириктирилди. Унга кўра Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида Абдулла Авлоний ҳаёт йўли ва ижоди топширилди. 2020 йил 7 сентябрда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ректорининг буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 2 сентябрдаги 458-сонли буйруғи ижросини таъминлаш тўғрисида Атоқли адиблар номидаги махсус стипендиялар ва кўкрак нишонлари тўғрисидаги намунавий низом маълумот ва ижро учун қабул қилинди. Бундан ташқари университет ректори маълумотларига кўра Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети жамоасига педагог, шоир, драматург, ношир, публицист, жадид адабиётининг етук намоёндаси Абдулла Авлоний ҳаёти, ижодини ўрганиш ва тарғиб қилиш ҳамда унинг ўлмас ғояларини талаба-ёшлар онгига сингдириш,

асарларини нашр эттириш, бир сўз билан айтганда, адиб сиймосини абадийлаштиришга самарали ҳисса қўшиш вазифаси берилган эди.

Университет томонидан махсус ишчи гуруҳ тузилиб, Абдулла Авлоний ижодини чуқур ўрганиш, ибратли умр йўли ҳақида халқимизга, хусусан ёшларга етказишга қаратилган 2025 йилгача бўлган режа-дастур тузилди.

Буюк адиб ижодини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. “Абдулла Авлоний” номидаги кўкрак нишони ва университетнинг иқтидорли талабалари учун стипендия жорий этилди. Шунингдек, университет олимлари ва докторантлари томонидан адиб фаолияти ва унинг педагогик қарашлари бўйича “Абдулла Авлонийнинг тил софлигини сақлашга доир фикрлари”, “Абдулла Авлоний – маърифатпарвар сиймо” мавзуларида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, университетнинг илмий-педагогик жамоаси ва талабалар томонидан адиб сиймоси акс этган ҳайкал олдида мунтазам равишда маънавий-маърифий давра суҳбатлари ва очик дарслар ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Гавҳар Зокирова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Н.Аминжонов, педагогика фанлари доктори, профессор Ш.Абдуллаева ва бошқа кўплаб таниқли намоёндалар университетда ташкил этилган бир қатор тадбирларда иштирок этишди.

Талабалар ва ўқитувчилар Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов ва истеъдодли шоирамиз Фароғат Худойқуловаларнинг Абдулла Авлонийнинг ибратли ҳаёт йўлига оид маърузалари, “Абдулла Авлоний” тарихий-бадий ўзбек фильми режиссёри Музаффархон Эркинов томонидан фильм яратилишининг ўзига хослиги ва Авлоний таълимий-ахлоқий асарларининг бугунги кун учун долзарблиги тўғрисида маърузаларини мароқ билан тинглаб маънавий озуқа олишди.



Билимдонлар беллашувини ташкил қилишга тавсиялар

“Яшнагай то абад-илму фан ижод”

Танловнинг мақсади: талаба-ёшларни Абдулла Авлониёнинг Туркистон тарихидаги ўрни, ижоди, унинг таржимаи ҳоли, панд-насихатлари, педагогикага доир ва бадиий асарларини юқори ўқилиши орқали қизиқишларини оширишдан иборат.

Танловда Олий Таълим муассасалари (ташкилотлари) талабалари ва мактаб ўқувчилари орасида ташкил этилади.

Беллашув ўтказишдан олдин фаол қатгашувчилардан ҳар бири 8-10 кишидан иборат бўлган 2 та билимдонлар гуруҳи тузилади. Уларга асосан талабалар, билим юрти ўқувчилари, кутубхоначилар, мактаб ва ўрта махсус таълим ўқувчилари киритилиши мумкин. Беллашув ташкилотчилари билимдонларга бериладиган саволларни тузиб чиқадиладар. Сўнгра шу саволлардан айримлари танлаб олиниб ҳар икки гуруҳга мўлжаллаб қўйилади. Танловда бериладиган саволларга доир адабиётлар тайёр туриши керак. Беллашувга тайёрланиш жараёнида қатнашувчилар ўша адабиётларни пухта ўқиб чиқишлари зарур. Билимдонлар эътиборини адибнинг алоҳида нашрларига, у ҳақидаги нашрларга, таржималарига қаратиш керак. Беллашув ўтказилаётган жойда албатта китоб кўргазмаси ва адибнинг суратлари ташкил қилишни тавсия этамиз. Қуйида беллашувга қўйиладиган саволлардан намуналар келтираамиз. Шунга қараб билимдонлар қайси адабиётлардан фойдаланишлари кераклигини билиб оладилар.

1. Абдулла Авлониё қачон ва қандай оилада туғилган?

Абдулла Авлониё 1878 йил 12 июлда оддий ҳол бир оилада туғилган.

2. Абдулла Авлониё мактаб ўқувчилари учун қандай дарсликлар ёзган?

(“Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” (1912), “Тарих”, “Туркий Гулистон ёки ахлоқ” (1913) каби замонаси учун муҳим ва зарур бўлган дарсликларни ёзган).

3. У қандай таҳаллуслар билан шеър, ҳикоя, фелъетон ва кичик ҳажмли драматик асарлар яратган?

Абдулла Авлониий “Набил”, “Шухрат”, “Ҳижрон”, “Авлоний”, “Сурайё”, “Абдулҳақ”, “Индамас”, “Тангриқули”, “Шапалоқ”, “Чол”, “Чизабой” таҳаллуслари билан асарлар яратган

4. Қайси йили Авлониий турмуш курди?

1900 йилда

5. Абдулла Авлониийнинг қандай драматик асарларини биласиз?
“Пинак”, “Адвокатлик осонми?”, “Икки муҳаббат”, “Тўй”, “Съезд”, “Лайли ва Мажнун”, “Биз ва сиз”, “Португалия инқилоби” каби драматик асарларни яратган.

6. У қайси муаллифларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган?
Озарбайжон ва татар драматургларининг “Қотили Карима”, “Уй тарбиясининг бир шакли”, “Хиёнаткор оила”, “Бадбахт келин”, “Хўр-хўр”, “Жаҳолат”, “Ўликлар” сингари асарларини ўзбек тилига таржима қилди.

7. Қуйидаги парча муаллифнинг қайси асарида олинган?

- Отаси, суюнчи беринг, худога шукур, Сарвар хола Ортиқбойни ҳар хил гаплар билан зўрга унатди. Мана, оқ ўрашуб келдук.

Ушбу парча Абдулла Авлониийнинг “Биз ва сиз” асарида олинган.

8. Шоир инсонлар ўртасида меҳр муҳаббат, дўстлик қарор топишига, адолат ва ҳақиқат тантана қилишига, ёруғ кунлар келишига ишонч билдирган ғояларини қайси шеърида акс эттирган ва шеърдан парча келтиринг.

Шоирнинг “Аҳволи оламдан бир намуна” шеъри бунга мисол бўла олади.

9. Ушбу мисралар шоирнинг қайси шеъридан олинган?

Илм бир гавҳари ноёб, йўқ ўлмас, битмас,

Илм бир нури зиёдурки, жилоси кетмас

Илм бир нури илоҳий-кишини хор этмас,

Илм бир қувват эрур-миллатини маҳв этмас.

(Абдулла Авлониийнинг “Илм” шеърдан)

10. Қайси йили Авлониий мактаб очди?

У 1907 йилда Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаблар очди.

11. Адиб “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарини нима учун икки қисмга ажратган?

Авлонийнинг фикр-хулосасига кўра, оламнинг яратилишидан мурод инсондир. Инсон бу оламнинг зийнати ва тожидир. Оламдаги ҳамма нарсаси фақат унинг учун яратилган. Чунки, у ақл ва юрак соҳиби. Шунинг учун ҳам у ўзига табиат ва Оллоҳ томонидан юкланган улуғ вазифаларга муносиб яшаши лозим. Авлоний ана шу фикрдан келиб чиқиб, рисолаи икки қисмга ажратади. “Яхши хулқлар” деб номланган биринчи қисмида 31 фазилат, “Ёмон хулқлар” деб аталган иккинчи қисмида эса 20 иллатга таъриф беради

12. Абдулла Авлонийнинг фаслларга бағишлаб ёзган шеърлари қайсилар ва уларга мисоллар келтиринг.

Унинг фаслларга бағишланган “Баҳор”, “Ёз”, “Куз”, “Қиш” каби шеърлари бор.

“Баҳор” шеъри:

Авал баҳор бўлса, кулур чаманлар,

Баргак ёзур гуллар, гунча даҳанлар.

Барча қушлар учар, ўқур чаманда,

Боғу бўстон, тоғу саҳро, ўрмонда).

13. “Жамияти Хайрия” ташкил қилинган, кимлар томонидан жамиятнинг низоми ишлаб чиқилган?

Убайдулла Хўжаев, Тошпўлатбек Норбўтабеков каби ҳуқуқшунослар томонидан жамиятнинг 41 моддадан иборат низоми ишлаб чиқилган.

14. Абдулла Авлоний номини абадийлаштириш мақсадида қайси ташкилот ва муассасаларга улуғ алломанинг номи берилган?

Авлоний номида бир қатор мактаблар бор. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси болалар адабиёти бўйича унинг номида мукофот таъсис этган. Тошкентдаги йирик кўчаларидан бири, Республика ўқитувчилар малакасини ошириш марказий институти ва маҳаллардан бири унинг номида.

15. Таниқли театр артисти Гавҳар Зокирова, Абдулла Авлониининг кими бўлади?

Абдулла Авлониининг уч қизи, уч ўғли бўлган. Шундан энг тўнғич фарзандлари Сора бўлган. Унинг якка-ю ягона фарзанди Тўйғуной опанинг қизи Гавҳар Зокирова. У Абдулла Авлониининг эвараси.

16. Қайси йиллар Авлониий Ҳиротда Шўро ҳукуматининг Афғонистондаги сиёсий вакили ва консули вазифасини бажарган?

1919 йилнинг 28 сентабридан 1920 йилнинг 20 июлигача.

17. Абдулла Авлониининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида кимлар китоб ёзганлар?

А.Бобохонов, М.Махсумов, “Абдулла Авлониий” (Педагогик фаолияти), Б.Қосимов “Абдулла Авлониий” (Адабий-педагогик портрет), Б.Қосимов, У.Долимов “Маърифат даргалари” ва бошқалар.

18. Қуйидаги мисралар адибнинг қайси асарида берилган?

*Яхшилик қилсанг, бўлур жонинг омон,
Яхшиликдан ҳеч киши қилмас зиён,
Яхши сўз бирлан илон индан чиқар,
Сўз ямон бўлса, пичоққиндан чиқар.
(“Биринчи муаллим” китобидан олинган).*

19. Мумтоз адабиётимизда минг йилладан бери ишланиб келган гул, булбул, ёр, ағёр, май, чарх (дунё) каби образлар мавжуд, жумладан Абдулла Авлониий кимга эргашиб булбул образида қандай шеърлар ёзган, улардан намуна келиринг.

Абдулла Авлониий, Муҳаммад Ҳодига эргашиб ёзилган “Садойи булбул”, “Ҳижрони булбул”, “Фигони булбул” каби шеърлари бор.

20. Абдулла Авлониий рус адиби И.А.Криловнинг қайси асарларини ўзбек тилига таржима қилган?

У А.Криловнинг 21 масалини ўзбек тилига таржима қилган. Жумладан, “Ғайрижинс иттифоқ”, “Тулки ила серка”, “Маймун ила кўзойнак”, “Ит ила йўловчи”, “Қарға ила Зағизгон” кабилар.

21. Адиб “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида ўз фикрларини ва мулоҳазаларини далиллаш учун машҳур мутафаккирлардан кимларнинг фикрларини келтиради?

Авлоний ўз мулоҳазаларини далиллаш учун Аристотель, Платон, Гиппократ, Алкмеон, Саъдий, Мирзо Бедил сингари машҳур мутафаккирларнинг фикрларини келтиради.

22. Авлоний “Мухтасар тарихи анбиё ва тарихи ислом” асарида қайси пайғамбарларнинг қиссаларини баён этган?

Авлоний “Мухтасар тарих анбиё ва тарихи ислом” асарида Одам алайҳиссаломдан Муҳаммад алайҳиссаломгача ўтган пайғамбарларнинг қиссалари ва зуҳури исломни баён этган.

23. Қайси йили Абдулла Авлоний ўзбек мактабларининг 7-синфи учун “Адабиёт хрестоматияси” тузиб, нашр эттирди?

1933 йилда тузиб, нашр эттирди.

24. Қайси йили Авлоний “Меҳнат қаҳрамони” унвони билан тақдирланди?

1927 йилда.

25. Қачон Авлоний “Ўзбекистон халқ маорифи зарбдори” фахрий унвони билан тақдирланди?

1930 йилда

Танловнинг иккинчи босқичида тезкор савол жавоб бўлади. Ҳар бир гуруҳ сардорига 3 тадан савол берилади. Ҳар бир жавоб 5 баллик баҳо қўйилади.

1 гуруҳ сардорига:

1. Абдулла Авлоний қаерда биринчи мактабини очди?

Тошкентнинг Миробод маҳалласида, кейинчалик Дегрез маҳалласида янги усулдаги мактаблар очди.

2. Қачон Абдулла Авлоний мактабни битириб мадрасада дарс ўқий бошлади?

1890 йилда мактабни битириб, маҳалладаги мадрасада дарс ўқий (ўта) бошлади.

3. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” қайси йили ёзилган?

1913-йили ёзилган

2 гуруҳ сардорига:

1. Абдулла Авлониё қайси йили биринчи мактабини очди?

1907 йил.

2. “Биринчи муаллим” китоби қайси йилда нашр этилган?

1911-йилда нашр этилган.

3. Ким тарафидан ва қачон “Турон” театр труппасини ташкил қилади?

Жадид Абдулла Авлониё томонидан 1913 йилда ташкил қилинади.

Танловнинг учинчи босқичида адабнинг ҳаёт йўлига бағишланган деворий газеталар иштирокчилар томонидан тақдим этилиши лозим. Ҳар бир гуруҳ намоёниш этган деворий газетада адабнинг ички кечинмалари ва у тўқнашган қийинчиликлар, замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш ҳамда уларни тарихий хизматларини юртимиз аҳолисига етказиш ва абадийлаштириш акс этиши керак. Ҳакамлар, деворий газета мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб ҳар бир деворий газетага 10 баллик баҳо қўядилар.

Танловда ғолибларини тақдирлаш мақсадида Ташкили қўмитанинг мажлиси ўтказилади ҳамда танловнинг натижалари эълон қилинади. Танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати қўмита томонидан тасдиқланади. Танлов ғолиблари ҳамкор ташкилотлар ёки университет, мактаб раҳбарияти томонидан таъсис этиладиган диплом, сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Университет ва мактабларда Абдулла Авлоний ҳаётига бағишланган сахна кўринишларини ўтказиш

Бу вақтларда бизнинг мақсадимиз зоҳирда театру бўлсада, ботинда Туркистон ёшларини сиёсий жиҳатдан бирлаштирув ва инқилобга ҳозирлов эди.

А.Авлоний

“Яшнагай то абад илму фан ижод” номли сахна кўриниши танлови ўтказилади. Ҳар бир гуруҳ намойиш этадиган сахна кўриниши мазмуни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, адибнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиши ва адибнинг ҳаёт йўлига бағишланган бўлиши лозим. Ҳар бир сахна кўриниши 15 дақиқадан ошмаслиги лозим. Танловда 5 тадан кўп жамоа қатнашиши ва ҳар бир жамоада 8 тадан кўп иштирокчи бўлмаслиги лозим. Ҳакамлар баҳолашда сахна кўринишини мазмун-моҳиятига, либосларга, декорацияларга ва иштирокчиларнинг актёрлик маҳоратига эътибор қаратишлари лозим.

Ҳар бир сахна кўриниши 10 баллик баҳо қўйилади.

Танловда 1, 2, 3 ўринлар ҳакамлар томонидан аниқланади. Шунингдек, қуйидаги 3 та номинация бўйича энг яхши иштирокчилар аниқланади:

- Энг яхши актёр (актриса)
- Энг билимдон
- Энг фаол иштирокчи.

Танловда ғолибларини тақдирлаш мақсадида Ташкилий қўмитанинг мажлиси ўтказилади ҳамда танловнинг натижалари эълон қилинади. Танлов ғолиблари ва совриндорларининг рўйхати қўмита томонидан тасдиқланади. Танлов ғолиблари ҳамкор ташкилотлар ёки университет, мактаб раҳбарияти томонидан таъсис этиладиган диплом, сертификат ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Мактабларда Абдулла Авлоний мавзусида очик дарс ташкил этиш методикаси.

Дарсинг режаси:

1. Ўқувчиларнинг асосий билимларини янгилаш (2 дақиқа)
2. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини мотивлаштириш (5 дақиқа)
3. Дарс мавзуси ва мақсадларини эълон қилиш (1 дақиқа)
4. Ўқувчиларнинг ўқув материални идрок этиши:
 - а) Ўқитувчининг маърузаси (10 дақиқа суҳбат)
 - б) Жисмоний тарбия дақиқа (2 дақиқа)
 - в) талабалар хабарлари (10 дақиқа)
 - д) Ўқитувчи хабарлар (10 дақиқа)
5. Дарс сарҳисоби (4 дақиқа)
6. Уй вазифасини белгилаш (1 дақиқа)

Мавзу: Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижоди.

Мақсад:

1. Абдулла Авлоний адабиётда ўзгача эканлигини кўрсатиш.
2. Ўқувчиларнинг ижодий фаоллиги, қизиқиши ва ностандарт тафаккурини ривожлантириш.
3. Шоир ижодини ўрганиш учун ўқувчиларни қизиқ саволлар билан қизиқтириш ва бунга ўхшаган тадбирларни йўлга қўйиш билан биргаликда уларни бўш вақтини унумли фойдаланиш билан ўтказиш.

Усуналар:

1. А. Авлоний портрет (“Унутилмас сиймолар” (1999) тўпламидан олинган)
2. Иллюстрациялар:
 - А) Адиблар ҳиёбонидаги “А. Авлоний ҳайкали”.
3. Электрон тақдимот, компьютер, экран, медиа проектор.

Эпиграф:

*“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот,ё нажот –
ё ҳалокат, ё саодат–ё фалокат масаласидир”*

Дарсинг жараёни.

Ўқитувчи. Абдулла Авлони. Маърифатпарварнинг номи ... ҳа, авлодлар онгида бу ном ҳар доим ҳаётга муҳаббат рамзи, ёрқин умидлар ва албатта жасорат рамзи каби янграйди десак, адашмаган бўламиз.

Бугун азиз ўқувчилар, Авлони шахси ҳақида, унинг ижоди ва ҳаёт саҳнаси ҳақида сўз юритамиз, шеърларини ўқиймиз, қисқаси, Авлониинг ажойиб оламига шўнғиб кетамиз

(Слайд #1).

[Авлони портрети.]

Ўқитувчи. Сиз болалигингиздан бери Авлони номи билан танишсиз. Жуда ёшлигингизда ҳам ота-онангиз сизни Шаҳидлар музейига олиб борганлар ёки, хусусан Авлониинг қаҳрамонликлари ҳақида гапириб берганлар.

- Авлони ҳақида қандай ҳикоя ёки филмларни эслайсиз?

Шоирнинг ҳам болалиги бор эди. У ҳар доим катта эмас эди.

- Шоирнинг болалиги ҳақида нима маълум?

- Авлони қаерда ўқиди?

- У ҳозир яшаган уйнинг номи қандай номланади?

Ўқитувчи. Абдулла Авлони ўз таржимаи ҳолида ёзишича: “1885 йилдан бошланғич мактабда ўқидим. Ўқчи маҳаллада Ақромхон домладан хат-саводим чиқди. 1890 йилда мактабни битириб, маҳалладаги мадрасада дарс ўқий бошладим.

Унинг қайси оилада туғилганини кўриб чиқайлик,?

(3 слайд).

[А. Авлониинг қисқача биографияси]

Ўқувчилар “Шоирнинг болалиги” ҳақида қисқача маълумотлар айтишади.

Ўқитувчи. Энди эса Абдулла Авлониинг кўриниши қандай бўлганини кўриб чиқайлик (Слайд 4).

[Авлоний...]

Ўқитувчи. Шоир оддий халқнинг шуҳратини, ўқувчиларнинг қизғин муҳаббатини қозониши учун нима қилди? Нима учун унинг ҳайкаллари бор?

Ўқувчиларнинг жавобларини тинглаш ва қўшимча қилиш.

Ўқитувчи. Адибнинг ҳаётида турли хил воқеалар бўлган, шоир кўп ишларни бошдан кечирган, ҳис қилинган. Ҳаётининг энг самимий саҳифалари-янги усулдаги мактабларнинг очилиши, театр труппасини ташкил қилиш, Афғонистонда консул бўлиб ишлаш, хайрия жамиятларини тузиш (слайд 6)

[“Турон троуппаси жамоаси.”]

Ўқитувчи. У ҳақида кўп яхши хотиралар мавжуд. Келинг, улардан бири ҳақида синфдошингизнинг гапига қулоқ солайлик.

Ўқувчилар “Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг нутқидан

Мен Абдулла Авлонийнинг: “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот—ё ҳалокат, ё саодат—ё фалокат масаласидир”, - деган фикрини мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Ўқитувчи: Шоир илм-фаннинг фазилатларини завқ билан куйлайди. “Мактаб”, “маориф”, “илм”, “фан” каби тушунчалар шоир шеърларида эзгуликнинг бетимсол рамзи, образи даражасига кўтарилади, “жаҳолат” ва “нодонлик” эса зулмат ва ёвузлик тимсоли сифатида талқин қилинади. Жумладан, “Мактаб” шеърида шундай таърифланади:

Мактабдур офтоби жаҳон саодатинг,

Мактабдур осмони замон сабоватинг.

Мактаб у жойи дилкаш ширин мақомдур,

Мактаб беҳишту жаннат ҳур табиатинг.

Мактаб дилингга сочғуси илму фунунни,

Мактаб зиёда қилғучидир ақлу ҳикматинг.

Ўқитувчи. Шоирнинг қайси шеърларини ёддан биласиз? Шоирнинг шеърларидан бирини ўқинг ва нима учун сизни жалб қилганини ва унда энг кўп қадрлаганингизни тушунтиринг.

Ўқувчиларнинг шеърларини, мулоҳазаларини тингланг. (“Янгради” “Мактаб”, “Илм”, “Ватан”, отрывок из “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ”, ва бошқалар.)

Устоз. Яна қандай маълумотларга эгасиз?

Ўқувчилар: Абдулла Авлоний 1913 йили Турон труппасини ташкил қилган, иккинчи ўқувчи: у мактаблар очган, учинчи ўқувчи: у педагогикага оид китоблар езган ва бошқалар...

Ўқитувчи. Абдулла Авлоний рус ёзувчилари ва шоирларининг ҳам асарлари шеърларини таржима қилган. Азиз ўқувчилар, ким қайси асарларини ўзбек тилига таржима қилинганини билади?

Ўқувчилар: - (У И.А.Крилованинг 21 масалини ўзбек тилига таржима қилган. Жумладан, “Ғайрижинс иттифоқ”, “Тулки ила серка”, “Маймун ила кўзойнак”, “Ит ила йўловчи”, “Қарға ила Зағизғон” кабилар).

Дарс сарҳисоби:

Ўқитувчи. Дарсимиз ниҳоясига етди.

- Шоир шахси, унинг ижодий тақдири ҳақида қандай янги нарсаларни билиб олдингиз?

- Шоир ҳақидаги суҳбатни давом эттириш истагингиз борми?

“Яна нималарни билишни истардингиз?” Ўқувчилар ўз фикрлари ва савволарини айтганларидан сўнг дарсга якун ясалади. Слайдда Абдулла Авлоний портрети қолади.

*Илмсиз мумкинмидур топмак биза роҳи нажот,
Жаҳл ила ичмак ўлурми ҳизртак оби ҳаёт,
Илм арбобин тўфангидур қалам, ўқи-даво-
т-Басдур, авлодим, отил илма, жаҳолатдин уёт,
Мева чиқғайму, кўзим, шунгу дарахтнинг толидан.*

Абдулла Авлониё

Мукофотга арзигулик инсон

(мунозара учун саволлар)

1. Сиз Абдулла Авлониёни каби миллат келажаги учун ўз тинчлигингиз ва жонингизни хавф остига қўйган бўлармидингиз?
2. Абдулла Авлониёнинг педагогик фаолияти, таълим-тарбия ҳақидаги фикрлари 1905-17 йилларда янги босқичга кўтарилган маърифатчиликнинг муҳим хусусиятларини белгилашда катта аҳамият касб этади, бу борада сизнинг фикрингиз.
3. Унинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” рисоласи тарихимиз, асрий кадриятларимиз, миллий маънавиятимиз тикланаётган бугунги кунимизда қандай аҳамиятга эга?
4. “Биринчи муаллим”, “Иккинчи муаллим” дарсликларида келтирилган ихчам ҳикояларини ёш авлодни тарбиялашда бугунги аҳамияти ҳақида фикрингиз ва бугунги кунда бу ҳикояларнинг ёш авлодга қандай таъсири бор?
5. Абдулла Авлониёнинг хайрихоҳлик, ҳақшунослик, муносилик, садоқат, адолат тўғрисидаги ҳикояларидаги ғояларнинг ёшларни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти?
6. Абдулла Авлониёнинг қаноат, тўғрилиқ, саҳийлиқ тўғрисидаги ҳикоячаларидаги илгари сурилган ғоялар тўғрисида сизнинг фикрингиз?
7. Абдулла Авлониёнинг драматурглиқ фаолияти ҳақида сизнинг фикрингиз?
8. Абдулла Авлониёнинг хайрия жамиятидаги фаолияти тўғрисида қандай фикрдасиз?

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Mirziyoyev Sh.M. Milliy taraqqiyot yo`limizni qat'iyat bilan davom ettirib, yangi bosqichga ko'taramiz. Toshkent: "O'zbekiston", 2017.
2. Mirziyoyev Sh.M. Adabiyot va san'at, madaniyatni rivojlantirish - xalqimiz ma'naviy olamini yuksaltirishning mustahkam poydevoridir. - Sharq yulduzi jurnali elektron sayti // <http://jahonadabiyoti.uz/2017/12/07>
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi // 2020 yil 30 sentyabr, <https://president.uz/oz/lists/view/3864>
4. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 1-jild: She'rlar, ibratlar. Toshkent, "Ma'naviyat", 1998.
5. Abdulla Avloniy. Tanlangan asarlar. 2 jildlik. 2-jild: Pandlar, ibratlar, hikoyatlar, nabiylar hayoti, dramalar, maqolalar, sayohat xotiralari. Toshkent, "Ma'naviyat", 2006.
6. Abdulla Avloniy. "Toshkent tongi". Toshkent, 1978.
7. Abdulla Avloniy. O'son millat. Toshkent, 1993.
8. Abdulla Avloniy. Turkiy guliston yohud axloq. Toshkent, 1992.
9. Abdulla Avloniy. Afg'on sayohati. Kundaliklar. "Sharq yulduzi", 1990, 7-son.
10. Абдулла Авлоний. Аҳволи оламдан бир намуна: (Мардикорнинг) хотунига айтган сўзи: [Шеърлар]. Гулистон.-1978. - №7
11. Абдуллаев Д. Ўзбекистонда хайрия ва ҳомийликнинг ривожланиш тарихи. Тошкент: "Innovatsiya-Ziyo" 2019.
12. Абдирашидов З. Исмаил Гаспринский и Туркестан в начале XX века: связи-отношения-влияние. - Тошкент: Akademnashr, 2011.
13. Абдирашидов З. Аннотированная библиография Туркестанских материалов в газете "Таржуман" (1883-1917). Токио: Department of Islamic Area Studies, 2011.
14. Абдурашидхонов М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 2003.
15. Баракаев Р. Ўзбек болалар адабиёти ва Абдулла Авлоний ижоди. Тошкент: Фан, 2004.

16. Баракаев Р. Узбекская детская литература начала XX века и творчество Абдуллы Авлони: автореферат дис. ... канд. филол. наук. Ташкент, 1994.
17. Добросмыслов А.И. Ташкент в прошлом и настоящем. Исторический очерк. Ташкент: Эл.-паров. типо-лит. О.А. Порцева, 1912.
18. Milliy uygʻonish. Toshkent, 1993.
19. Маърифатпарвар шоир. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси. Тошкент-2003.
20. “Ma’naviyat yulduzlari”. Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, Toshkent, 1999.
21. Номозова К. Жадидчилик: муаммолар, ислохот ва қарашлар. Тошкент: “Turon Iqbol”, 2010.
22. Oripov Q. Alangali yillar adabiyoti., Toshkent, 1972.
23. Qosimov B. Abdulla Avloniy. Toshkent, 1979.
24. Qosimov B. Inqilobiy she’riyat sahifalari. Toshkent, 1977.
25. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002.
26. Rahimova N. Abdulla Avloniyning pedagogik risolalarini o’qitishda interfaol usullardan foydalanish. Buxoro – 2019.
27. Республика маънавият ва маърифат маркази. “Жамият тараққиётининг асоси маърифатдир” республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Хоразм. 2019.
28. Содиқов М. Эркесвар, хурриятпарвар эл ворисларимиз. Тошкент “Камалак” 1992
29. “Туркестанские ведомости”. № 3164. 21 июнь, 1908.
30. “Тошкент” энциклопедияси. 2009 йил
31. O‘zbekiston tarixi (1917-1991 yillar). Toshkent: O‘zbekiston. 2019.
32. Шарипов Р. Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан. –Тошкент: Ўқитувчи, 2002.

**ДИЁРЖОН АБДУЛЛАЕВ
АБДУЛАЗИЗБЕК ЎТКИРОВ**

ЯШНАГАЙ ТО АБАД ИЛМУ ФАН ИЖОД

(АБДУЛЛА АВЛОНИЙ ҲАЁТИ ВА ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИГА ЧИЗГИЛАР)

УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА

Bosishga ruxsat etildi. 19.10.2021 y.

Qog`oz bichimi 60x84 1/16. Times New Roman
garniturasida terildi.

Ofset uslubida oq qog`ozda chop etildi.

Nashriyot hisob tabog`i 4,5, Adadi 300. Buyurtma № 19-10

«ZUXRA BARAKA BIZNES» MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: Toshkent shahar Chilonzor tumani,

Bunyodkor ko`chasi 27 uy.